# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРИЗМ  ВА ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ТУРИЗМ» КАФЕДРАСИ**

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ

**фанидан маърузалар матни**

УРГАНЧ -2017

»

# «СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШКАРИШ»

## фанидан маърузалар матни

Ушбу маърузалар матни бакалавриат йўналишлари бўйича ўқитиладиган **СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШКАРИШ** фанининг маърузалар матни бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистонда Узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ Термиз Давлат Университетининг «Менежмент» кафедраси томонидан намунавий укув дастур асосида қайта ишлаб чиқилган. (**«Менежмент» кафедрасининг 2008 йил 28 августдаги йиғилишида муҳокама қилинди ва ўқув жараёнига тавсия этилди №1-баённома).**

## 1-Мавзу: “Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш фанининг мақсади ва вазифалари.

**Режа:**

**1. Замонавий менежмент позииясида сифат тушунчаси.**
**2. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатига бўлган талаб.**
**3. Маҳсулотларни сертификациялашнинг мақсади.**

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматнинг сифати истеъмолчининг талабига мос келиши асосий ролни ўйнайди. Рақобатбардош, бозорга маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатига ўта юқори талаблар қўйилади. Махсулотнинг юқори сифатли бўлиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш деганда бир қанча омилларнинг бажарилиши тушунилади, яъни хом ашёдан, меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш қувватидан,энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиб ва ишлаб чиқариш харажатларини муттасил камайтириб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳар қандай бозорга олиб киришда сифатни барқарор қилиб яхшилашнинг асосий қонунияти бўлиб маҳсулотни бозорда мухим туришининг асосий омилидир.

Сифат объектга қўйилган ва кўзда тутилган талабларини қондирувчи хусусиятлари жамланмасидир. Маҳсулотга қўйилган ва кўзда тутилган талаблар деганда бир қанча хусусиятлари тушунилади, яъни ташқи кўриниши, кўпга чидамлиги, кафолатланган муддатда хизмат қилиши ва бошқалар. Сифат текширилиши ва тасдиқланиши лозим.

Туқимачилик ва енгил саноат тайёр маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш бир қанча омилларга боғликдир. Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг жаҳон бозорида муҳим жой эгаллаб туришини таъминлаш учун ишлаб чиқариш жараёнларида, жойлашда,сақлаш ва ташишда ва улардан фойдаланишда қўйилган талабларга риоя қилиш ҳамда маҳсулот сифатининг барқарорлигини таъминлаш лозим. Бу талаблар турли хил даражада меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

**Маҳсулотлар қуйидаги мақсадда сертификация қилинади:**

1) Инсон саломатлигига ва атроф муҳитга зарарли бўлган маҳсулотларни реализация қилишни назорат қилиш;

2) Халқаро бозорда маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

3) Халқаро иқтисодий ва савдо, кўшма тадбиркорлик ва бошқа тадбирларда қатнашишини таъминлаш;

4) Истеъмолчиларни тайёрловчиларнинг маъсулятсизлигидан ҳимоя қилиш ва маҳсулот сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Маҳсулот сертификацияси ўтказиш учун махсус ташкилотлар бўлади ва уларга ўзига хос талаблар қўилади. Ўзбекистон Республикасида сертификация қилувчи ташкилотлар:

ˆ

ˆ Ўздавстандарт;

ˆ 60 дан ортиқ сертификация марказлари;

ˆ 120 дан ортиқ синов лабараториялари мавжуд.

Сертификация жараёнида қилинган харажатларни маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз зиммасига олади.

Қуйидагилар сертификация қилиниши мумкин: маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар, иш, сифат тизими ва ишлаб чиқариш.

Давлатлар ўртасида савдо ва иқтисодий, техникавий, маданий алоқаларнинг ривожланиши ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар билан жаҳон бозорига юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш билан уйғунлашади. Давлатларо савдо-содиқ муносабатларининг самарали бўлишидан қатъий назар шу маҳсулот сифатига кафолат берувчи сертификациядан фойдаланадилар.

Маҳсулотни сертификациялаш маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатли курашда ўзларининг савдо-сотиқдаги мавқеини мустаҳкамлашда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

**Товар** - Тайёрловчининг фаолияти натижасида олинган махсулот, шу жумладан истеъмолчига шартнома асосида сотиш учун импорт қилинган маҳсулот.

**Истеъмолчи** - бирор бир товарни маҳсулотни ёки хизматни фойда олиш билан боғлик бўлмаган, ўзининг шахсий эхтиёжини қондириш мақсадида сотиб олувчи, буюртмачи ёки сотиб олмоқчи, буюртма бермоқчи бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

**Тайёрловчи -** Истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарувчи корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор.

**Товар хафсизлиги** - Оддий истеъмол шароитида фойдаланилганда, сақлаганда, ташилганда ёки уларни реализация қилинганда инсон ҳаётига, саломатлигига рахна солмайдиган, истеъмолчи мулкига ва атроф муҳитга зарар етказмайдиган товар ёки иш ва хизмат натижалари.

**Товар камчилиги -** товар ёки хизматнинг меъёрий хужжатларга кўрсатилган шартларига, шартнома ёки оддий талабларига мос келмаслиги.

**Кафолатли муддат -** Товарнинг эксплуатация қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда, меъёрий хужжатларда кўрсатилган сифатли хизмат қилиш муддати ( кўрсаткич ой, соат, цикл, км в.б)

**Хизмат муддати** - Меъёрий хужжатларда ўрнатилган товардан фойдаланиш даври. Бу давр тугагандан сўнг товарнинг техник холатидан қатъий назар эксплуатация қилиш тўхтатилади.

**Яроқлилик (сақланиш) муддати** - Товар ўз истеъмол хусусиятларини саўлай оладиган маълум муддат. Бу муддат тугангандан сўнг товар инсон саломатлиги ва хаётига хафвли бўлиши мумкин.

“Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонун.

1996 йил 26 апрелда “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Қонун 30 та банддан иборат.

**Истеъмолчининг ҳуқуқлари:**

ˆ товар ва товар ишлаб чиқарувчи тўғрисида тўлиқ ҳаққоний маълумот олиш;

ˆ товар ва товар сифатини эркин танлаши;

товар хафсизлиги;

ˆ сифатсиз товардан етказилган моддий, маънавий зарани тўла ундирилиш;

- ˆ истеъмолчи ҳуқуқи бузилганда суд ёки бошқа давлат органларига ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиши;
- ˆ истеъмолчилар жамоат ташкилотини тузиш;
- ˆ айрим тоифадаги истеъмолчилар учун, ижтимоий ҳимояга мухтож кишиларга қонун томонидан савдо ва маиший хизмат турларига енгилликлар ўрнатилиши мумкин.

Қонун 30 та моддан иборат булиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат килади. 1-моддасида конунда келтириладиган асосий тушунчалар келтирилади. Ундан ташкари куйидаги тушунчалар киритилган.

Касса чеки - товарни сотиб олганлиги ёки хизмат учун хак туланганлигини тасдиклайдиган хужжат булиб, касса аппаратнинг номери урнатилган булади.

Товар чеки - товар сотиб олинган меж ёки хизмат учун хак тулаганлиги тасдикловчи хужжат булиб, унда бако, сана, сотувчининг номи ва манзили ёзилган булади.

Коннунинг 2-моддасига: истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўҚрисидаги конун хужжатлари кўрсатилган.

3-моддасида, халкаро шартномалар ва битимлар билан муддати курсатилган.

4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий хукуклари курсатилган.

5-модда. Ишлаб чиқарувчи савдо ва хизмат курсатиш коидалари тўҚрисида ёзилган.

6-модда. Товарлар тўҚрисида маълумот бериш тартиби курсатилган.

**Товар хакидаги маълумотда қуйидагилар бўлиши шарт:**

- ˆ товар мажбурий-талабларга мувофик килиниши шарт булган норматив хужжатнинг номи;
- ˆ товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумлардан узига хос хусусиятлари;
- ˆ бахоси ва сотиб олиш шартлари;
- ˆ айрим турдаги товарлари ишлаб чиқариш вақти;
- ˆ ишлаб чикарувчининг кафиллик мажбуриятлари;
- ˆ товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш шартлари;
- ˆ товарнинг хизмат муддати ва шу муддат тугагандан сунг истеъмолчи нима ишлар килиш зарурлиги шунингдек бу ишларни бажармасдан келиб чиқиш окибатлари;
- ˆ Ишлаб чикарувчининг номи ва мулкчилик шакли руйхатга олиш номери;
- ˆ Ишлаб чикарувчининг хамда унинг истеъмолчидан даво кабул килишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган техникавий корхоналар манзиллари.
- ˆ Товарни саклаш хавфсиз утилизация килиш усуллари ва коидалари.
- ˆ Сертификацияланиш шарт булган товар хакида истеъмолчига товар сертификация (бериш) бор эканини куриш.

Товар хакидаги зарур ахборотнинг йуклиги бундай товарни реализация килиш маълумот берилгунча кадар тегишли давлат бошкарув органининг курсатмаси буйича тухтатиб турилишига сабаб булади.

7-модда. Товар хакида нотуғри маълумот беришда истеъмолчининг хукуклари курсатилган.

8-модда. Истеъмолчининг савдо ва бошка хизмат курсатиш сохаларида сифатини текшириш хукуклари курсатилган.

**Назорат саволлари:**

1. Махсулот сифатини таъминлашда сертификатлашнинг ахамияти нима?
2. Сертификатлаш ташкилотларига нималар киради?
3. Истеъмолчиларнинг хукукларига нималар киради?
4. Махсулот сифатини сертификатлашда ишлатиладиган асосий тушунчаларига нималар киради?
5. Товарлар тўғрисидаги маълумотларга нималар киради?

## 2 – МАВЗУ: СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИК. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР.

**1.1. Улчашларха булхан эхтиёжнинг табиийлиги ва ахборот тизимидаги ахамияти.**
**1.2. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО).**
**1.3. Халқаро электротехника комиссияси (МЭК).**
**1.4. Метрология сохасида қонунлаштирувчи Халқаро ташкилот (МОЗМ).**
**1.5. Сифат буйича Оврупа ташкилоти (ЕОК).**
**1.6. Оврупадаги иктисодий уюшма (ЕЭС).**

***Таянч суз ва иборалар:*** *Мустақил Давлат, иктисодий ва илмий техник хамкорлик, халқаро савдо, мол алмашинуви, махсулот сифати, рақобат, жахон бозори, бошқариш тизими, улчов воситалари, улчашлар, метролохия, метрон, лохос, ахборот, ИСО, МЭК, МОЗМ, ЕОК.*

Мустқил давлатимизнинг ривожланиши жараёнида чет эл мамлакатлари билан узаро иқтисодий ва илмий-техника хамкорлихи, халқаро савдони тез суратларда авж олиши билан тавсифланади, мол алмашинувининг умумий хажмида фан салмо\и куп талаб қилинадиган ва техникавий тарафдан мураккаб мақсулотларни купайтириш, ишлаб чи каришга тезкорлик билан илмий техника тарақиёти ютуқларини жорий қилиш, махсулотнинг сифатига ва мустахкамлигига истеомолчининг ишончини оширишга эришиш энг долзарб вазифалардандир.

Шу мақсадларда дунё савдо муносабатларида махсулот сифатини ошириш, стандартлаштириш ва махсулотни сертификатлаштириш мухим ахамият касб этади, бу эса - мол ишлаб чиқарувчилар уртасидаги ракобатни кучайтириб савдо мавкеини таъминлашга асосий восита булади.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг «**Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули**» асарида ташки савдо, иктисодий, илмий ва маданий алокаларда белгиланган устувор йуналишларида республиканинг экспорт кудратини ривожлантириш ва янада мустахкамлаш, экспортга йуналтирилган иктисодиётни шакллантириш ва экспортга йуналтирилган иктисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чикиш ва амалга ошириш зарруратан етилганлиги хамда ривожланган экспорт кувватисиз Узбекистоннинг келажаги йук эканлиги тасдикланган.

Республика ичкарисидагини эмас, балки аввало жахон бозорида харидоргир булган махсулот ишлаб чикаришга эришиш асосий вазифа булмоги даркорлиги курсатилган.

Асарда патент – лицензия ишлари тизимини йулга куйиш, республика фукаролари ва юридик шахсларининнинг маьнавий мулкини химоя килиш учун халкаро битимларга кушилиш. Махсулотни стандартлаш ва сертификатлаш халкаро тизимига изчиллик билан утишни ташкил килиш масаласига алохида эьтибор берилган.

Президентимиз томонидан 1993 йилнинг 28 декабрида кетма – кет учта, яьни – «**Стандартлаштириш тугрисида**», «**Метрология тугрисида**» ва «**Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тугрисида**» Конунларни имзолаши куйилган масалаларниинг долзарблигидан далолатдир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда керак буладиган махсус билимлар катори «Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш» фанини мукаммал билиш хамда иш фаолиятида таяниш катта ахамият касб этади.

Метролохия, стандартлаш ва сертификациялаш фанини урханишдан максад бакалавр тизими буйича таьлим олувчи талабаларда куйидаги фаолият сохалари буйича зарур ва етарли булхан билимларни шакллантириш хисобланади:

- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш борасидаги фаолият ва уни халк хужалигининг бошкариш тизимидаги тутган урни;
- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асослари;
- улчашлар, уларнинг назарий ва амалий асослари, улчов воситалари ва уларнинг турлари;
- махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш;
- сифат ва сифат тизимлари.

Халк хужалихидаги хамда саноатнинг турли тармокларидаги улчаш ва бахолаш борасидаги мавжуд усуллар ва воситалар, улардаги афзалликлар, камчиликлар ва узаро тафовутларни ургатиш, ишлаб чикариш ва хизматлар фаолиятларидаги стандартлар ва турли меьёрий хужжатлар, хамда сифат масалалари буйича тушунчалар хосил килиш фаннинг асосий вазифаларидан хисобланади.

## 1.2. Улчашларга булган эхтиёжнинг табиийлиги ва ахборот тизимидаги ахамияти

Инсоннинг технолохик фаолиятининг бошланиши, иложсиз улчашларга боглик булханлиги сабабли, улчовларнинг ихтиро килинишига олиб кела бошлади. Кадим замонлардан бошлаб инсонлар узунлик, майдон, хажм, огирлик ва вактларни улчаш билан шугулланишарди. Инсон узи куп улчовларнинг прототипи булиб колди. Кадам, тирсак, кулоч, карич - булар барчаси турли мамлакатларда хосил булиб инсон танаси огханларининг улчамидир. Лекин жуда кадимдан улчовларнинг бирлигига риоя килинмаётганлихи маьлум эди. улчовларнинг бирлигини таьминлаш максадида уларни стандартлаштиришга уринишлар булхан эди.

Дастлаб метрология турли улчовлар ва улар орасидаги узаро нисбат хакидаги фан сифатида хосил булди. **Метрология** юнонча иккита сузлар: **метрон - улчов** ва **лохос - таьлимот** сузлардан ташкил топган булиб, унинг айнан маьноси - **улчовлар тугрисидаги таьлимот** деган тушунчани англатади.

Ахборот тизимида улчашлар ва улчов воситалари катта ахамиятга эгадир. Улчашлар утказилмайдиган биророта хам халк хужалиги тармокларини топиб булмайди, айникса, аник фанлар сохасида улчашлар алохида ахамиятга эга. Масалан, коинотни ва микродунёни тадкикот килишда, электр энергиясини ишлаб чикаришда ёки бирор технологик жараён бориши тугрисида ахборот олишда, автоматлаштирилган ахборот системаларида улчаш обьектлари холати тугрисида тегишли хулосалар чикаришда, турли махсулотлар, хизматлар хакида тегишли ахборот маьлумотлари олишда улчанаётган физик катталикларнинг кийматлари тугрисида ишончли ахборот олинмаса бирор натижага келиб булмайди. Бу ахборотларни махсус техник воситалар ёрдамида турли улчашлар усулларидан фойдаланиб олинади. Бундан куринадики улчашларни такомиллаштириш инсон истикболида алохида ахамиятха эга.

Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш сохасини ривожлантириш, такомиллаштириш ва халкаро микёсда режали олиб бориш максадида бир нечта Халкаро ташкилотлар фаолият курсатмокда.

## 1.3. Халкаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)

Стандартлаштириш сохасидаги ишлар халкаро марказ кераклигини такозо килди. Шу максадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларининг Халкаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо булди. ИСА нинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирди. Лекин ИСА нинг фаолияти 1939 йили иккинчи жахон уруши таьсирида тухтатилди.

1946 - 47 йиллари Халкаро стандартлаштириш ташкилоти ташкил топди, уни кискача ИСО деб юритилади. Бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият курсатмокда.

ИСО ни тузилишидан асосий максад - халкаро микёсдаги мол алмашинувида ва узаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё куламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кумаклашиш хамда аклий, илмий, техникавий ва иктисодий фаолиятлар сохасида хамдустликни ривожлантиришдир.

Бу максадларни амалга ошириш учун:

- дунё куламида стандартларни ва улар билан боглик булхан сохаларда уйгунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар куриш;
- Халкаро стандартларни ишлаб чикиш;
- Уз кумита аьзоларининг ва техникавий кумиталарнинг ишлари хакида ахборотлар алмашинувини ташкил килиш;
- сохавий масалалар буйича манфаатдор булган бошка Халкаро ташкилотлар билан хамкорлик килиш кузда тутилади.

Хозирги кунга келиб Халкаро стандартлаштириш ташкилотининг таркиби 100 тача мамлакатнинг вакилларидан иборат булиб Узбекистон Республикаси давлати хам Мустакиллик шарофати билан ИСО нинг тенг хукукли аьзоларидан бири булиб хисобланади.

Махсулот сифатини яхшилаш, бошкариш ва таьминлаш буйича охиги вактда килинган ишларни мужассамлаб, ИСО узининг бир катор меьёрий хужжатларини ишлаб чикди. Бу хужжатларга ИСО 9000, 10011 ва 10012 ракамли стандартларни курсатиш мумкин. ИСО 9000 да сифатни умумий бошкариш ва сифатни таьминлаш

буйича стандартлар, танлаш ва куллаш буйича рахбарий курсатмалар ёритилган. ИСО 10011 сифат тизимларини текширишда рахбарий курсатмалар ва ИСО 10012 Улчов воситаларининг сифатини таьминлайдиган талабларга багишланган.

## 1.4. Халкаро электротехника комиссияси (МЭК)

1906 йили Лондонда 13 мамлакат вакилларининг конференциясида махсус идора - Халкаро электротехника комиссияси тузиш тугрисида бир фикрга келинди.

МЭК низомига кура, бу ташкилотнинг максадлари электротехника ва радиотехника ва уларга кушни тармоклардаги стандартлаштириш масалаларини хал килишдир.

Агарда МЭК электротехника, электроника, радиоалока, асбоб-созлик сохалари буйича шугулланса ИСО эса колган бошка хамма сохалар буйича стандартлаштириш билан шугулланади.

Хозирги вактда 41 та миллий кумиталар МЭК нинг аьзолари хисобланади. МЭК инглиз, француз ва рус тилларида иш олиб боради. 1972 йилдан бошлаб МЭК, ИСО ларнинг тавсиялари халкаро стандартларга айлантирилиши хакида карор кабул килинди.

## 1.5. Метрология сохасида конунлаштирувчи Халкаро ташкилот (МОЗМ)

1956 йили Халкаро микёсда метрология сохасида конунлаштирувчи Халкаро ташкилот (МОЗМ) тузилди. Бу ташкилотнинг асосий максади - давлат метрология хизматларини ва бошка миллий муассасаларнинг фаолиятларини халкаро микёсда мувофиклаштиришдан иборат.

МОЗМ фаолиятининг асосий йуналишларига куйидагилар киради:

- Улчов воситаларининг услубий, меоёрий метрология тавсифларининг бирлигини белгилаш;
- киёслаш ускуналарини, солиштириш усулларини, эталонларни текшириш ва аттестатлашнинг намунавий ва ишчи улчов асбобларини уйгунлаштириш;
- халкаро куламда бирхиллаштирилган улчов бирликларини мамлакатларда кулланишини таьминлаш;
- метрология хизматларининг энг кулай шаклларини ишлаб чикиш ва уларни жорий этиш буйича давлат курсатмаларининг бирлигини таьминлаш;
- ривожланаётган мамлакатларда метрология ишларини таьмин этиш ва уларни зарур техник воситалари билан таьминлашда илмий - техникавий ёрдамлашиш;
- метрология сохасида турли даражаларда кадрлар тайёрлашнинг ягона конун - коидаларини белгилаш.

МОЗМнинг расмий тили - француз тилидир.

## 1.6. Сифат буйича Оврпопа ташкилоти (ЕОК)

Сифатни назорат килиш Оврпопа ташкилоти (ЕОКК) 1957 йили ташкил топди. 1988 йилдан бошлаб уз низомини узгартириб, Сифат буйича Оврпопа ташкилоти (ЕОК) деб аталади.

ЕОК таркибида 26 та тулик хукукли аьзолари, 12 та жамоа мухбир аьзолари хамда 37 та алохида мухбир аьзолари ва 10 та фахрий аьзолари фаолият курсатишади.

ЕОК нинг иш юритиш расмий тиллари инглиз ва француз тилларидир.

ЕОК нинх 12 та техникавий кумиталари мавжуд булиб, улар ишончлилик, статистик усуллар, атамалар, истеьмол масалалари буйича стандартлаштириш, сифатни бошкариш, кадрлар тайёрлаш, функционал бахолашни тахлил килиш, сифат сохасида сиёсат олиб бориш, сертификатлаштириш ва сифат тизимларининг назорати, ЭХМ нинг математик таьминланишида сифат, сифат тугараклари, махсулот сифатини метрология таьминоти билан шугулланади.

## 1.7. Оврпопа иктисодий уюшмаси. (ЕЭС)

1957 йил 25 март куни Рим шахрида Оврпопа иктисодий уюшмаси (ЕЭС) нинг ташкил топганлиги тугрисидаги битим имзоланди. Бу уюшма олти давлат (Белхия, Нидерландия, Люксенбург, Италия, Франция ва ГФР) вакилларидан ташкил топиб Оврпопа умумий бозорини ташкил килиш максад килиб куйилган эди. Кейинчалик бу уюшмага Великобритания, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия, Австрия, Финляндия ва Швеция давлатлари вакиллари билан тулдирилди. Уюшма таркибидаги давлатлар 15 тани ташкил килди.

Оврпопа мамлакатларининг иктисодий уюшмасининг доимий идораси – Оврпопа Кенгаши (ЕС) хисобланади. ЕС нинг Вазирлар Кенгаши марказий ва конун чикарувчи идора хисобланади. Хар бир миллий хукуматдан бу кенгаш таркибида биттадан вакил юборилган. ЕЭС узининг EN 29000 ракамли стандартларига эга, булар эса ИСО томонидан тайёрланган ИСО 9000 ракамли стандартларига мос келади.

## Назорат саволлари

1.1. «Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш» фанини урганишга эхтиёжни тушунтиринг.

1.2. «Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш» фани талабаларда кандай билимларни шакллантиришга каратилган?

1.3.Улчашларга булхан эхтиёжни ва ахборот тизимидаги ахамиятини тушунтиринг.

1.4. «Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш» сохасини ривожлантириш ва такомиллаштириш максадида кандай Халкаро ташкилотлар тузилган?

1.5. Халкаро ташкилотларниг максади ва ахамиятини тушунтиринг.

1.6. Халкаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) кандай ташкилот таркибида фаолият курсатади?

1.7. Электротехника ва радиотехника сохалари буйича кандай Халкаро ташкилот фаолият курсатади?

1.8. Метрология сохасида кандай Халкаро ташкилот тузилган ва фаолиятининг асосий йуналишлари нималардан иборат?

1.9. Сифат буйича Оврпопа ташкилотининг таркибини изохлаб беринг.

1.10. Кайси Халкаро ташкилотларнинг тавсиялари халкаро стандартларга айлантирилади?

# 3 – МАВЗУ:   СТАНДАРТЛАШТИРИШ

**Режа.**

**1. Стандартлаштириш ва сифат стандартларининх ахамия-ти.**

**2. Стандартлаштиришнинх асосий максадлари ва вазифала-ри.**

**3. Стандартлаштириш хусусидахи асосий коидалар, атама-лар ва тушунчалар.**

***Таянч сУз ва иборалар:*** *махсулот сифати, Давлат стандарти, техникавий шартлар, корхона стандарти, тадкикот ва лойихалаш, ишлаб чикиш, муомала, сотиш, упаковка, таркатиш, уч боскич, ИСО ва МЭК, максадлар, вазифалар, стандартлаштириш обоекти, минтакавий, миллий, меоёрий хужжат, Халкаро, рахбарий хужжатлар, УзТМТИ.*

## 1. Стандартлаштириш ва сифат стандартларининх ахамияти

Махсулот сифатини оширишда давлат стандарти, техникавий шартлар ва корхона стандартлари йУналтирувчи ролни эхаллайди. Бирлашма, корхона даражасидахи стандартлаштириш муайян ишлаб чикаришни инобатха олади: махсулот тури, сериялихи, технолохик жараёнларнинх хусусиятлари ва бошкалар. Корхона даражасида стандартлаштириш махсулот сифатини таоминлаш билан бирха бошка сохалар ва тармоклараро даражадахи алокаларни таоминлайди.

Махсулотнинх хамма хаётий даврида (тадкикот ва лойихалаш, истеомол ёки ишлатилишида) сифатни етарли даражада бошкаришни амалха ошириш учун стандартлар ва техникавий шартлар мажмуининх зарурлихи сезилиб, улар эса сифатни бошкаришда ташкилий, техникавий асос бУлиб хисобланади.

Махсулотни **тадкикот** ва **лойихалаш боскичида** стандартлаштириш ёрдамида куйидахи тадбирлар амалха оширилади:

- мазкур махсулотнинх сифат тавсифларини комплекс стандартлаштириш асосида тайёр махсулотха, шунинхдек фан ва техника ютукларини ва хориждахи истеомолчи ва ишлаб чикарувчиларни инобатха олиб хамда хом ашёха, материалларха, ярим фабрикатларха ва комплектланувчи буюмларха талаблар белхилайди;
- махсулотнинх вазифасиха ва ишлатилишиха караб, унха яхона сифат кУрсаткичи тизимини аниклайди;
- оптимал сифатни таоминлаш учун махсулотни лойихалашда нормалар, талаблар ва усуллар белхилайди.
- ишлаб чикаришни ихтисослаштириш шароитлари асоси хисобланхан бирхиллаштириш (хар хилликни бошкариш) даражасини оширишни, ишлаб чикариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, фан ва

техника тараккиётини тезлаштириш, махсулотни ишлаб чикаришда, уни ишлатишда ва таомирлашда мехнат унумдорлихини оширишни белхилайди.

Давлат стандартлари махсулотни ишлаб чикиш ва уни ишлаб чикаришха кУйиш боскичида махсулотларнинх юкори сифатли турларини яратиш ва Узлаштиришни тезлаштиришха, ишлаб чика-рувчи, тайёрловчи ва истеомолчи ораларидахи муносабатларни яхшилашха йУналтирилхан.

Стандартлаштириш тизими янхи буюмха Уз вактида юкори сифатли лойиха-конструкторлик хужжатлар бериш, корхонанинх янхи махсулотини берилхан сифат кУрсаткичлариха асосан тайёрлашни ва керак бУлса махсулотни ишлаб чикаришдан олиб ташлашни белхилайди.

Махсулот ишлаб чикариш боскичида махсулотнинх хусусият-ларини ва унинх тавсифларини, корхонанинх ташкилий-техникавий даражасини, корхона ичидахи ихтисослаштиришни, ишчи ва мухандисларнинх тажрибасини, сифат бУйича корхонадахи ишларни махсулиятли ташкил этишни корхона стандарти хисобха олади.

Стандартлаштириш махсулот муомалада бУлханида ва сотиш боскичларида махсулотни жойлаштириш (упаковка) да яхши тартиб ва шароитлар яратишха, юклашха ва жойлаштиришха, саклашха, омборларда махсулот сифатини бузилмай саклашха, транспортда олиб юришда, буюмни таркатиш, сотиш ташкилотлариха талаблар белхилайди.

Стандартлаштиришни техника тараккиётида, ишлаб чикаришда энх рационал жорий килиш, махсулот сифатини яхшилаш, мехнат харажатларини ва моддий ресурсларни таосирчан воситаларидан бири сифатида кУрилмокда.

Стандартлаштириш жараёни 3 боскичдан иборат:

- атамаларни стандартлаштириш;
- Улчов ва синов ускуналарини ва уларни конструкциясиха ва махсулот технолохиясиха бохлаб стандартлаштириш;
- махсулотнинх Узини стандартлаштириш.

ИСО ва МЭК томонидан яратилхан консулртатив кенхаш техника ривожининх йУналишини куйидахича тавсия килади:

- стандартларни яратишда ва уларни келишишда янхи механизмларни яратиш;
- харажатларни илк тадкикотларха ва реал истикболи бУлхан техникавий ютукларха йУлламок;
- бор техникавий кУмиталарнинх илмий тадкикот, тажрибавий, конструкторлик ишларини шу жумладан эколохия сохасидахи ишларни, эхтиборха олхан холда янхи режали ишларни яратиш;
- етакчи мутахассислар бошчилихида Утказиладихан семинар, илмий маорузалар шаклидахи иккиламчи механизмлардан фойдаланиш;
- саноатнинх юкори рахбарлари орасида янхи хояларни тархибот килишха эотиборни каратиш.

## 2. Стандартлаштиришнинх асосий максадлари ва вазифалари

Стандартлаштиришнинх асосий максадлари куйидахилардан иборат:

- махсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинх (бундан буён матнда “махсулот” деб юритилади) ахолининх хаёти, сохлихи ва мол-мулкиха, атроф-мухит

учун хавфсизлихи, ресурсларни тежаш масалаларида истеомолчилар ва давлат манфаатларини химоя килиш;

- махсулотларнинх Узаро алмашинувчанлихини ва бир-бириха мос келишини таоминлаш;

- фан ва техника тараккиёти даражасиха, шунинхдек ахолининх хамда халк хУжалихининх эхтиёжлариха мувофик холда махсулот сифатини хамда ракобат кила олиш имконини ошириш;

- барча турдахи ресурслар тежалишиха кУмаклашиш, ишлаб чикаришнинх техника-иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

- ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойихаларни амалха ошириш;

- табиий ва техноген фалокатлар хамда бошка фавкулотда вазиятлар юзаха келиш хавф-хатарини хисобха олхан холда халк хўжалихи объектларининх хавфсизлихини таоминлаш;

- истеъмолчиларни ишлаб чикарилаётхан махсулот номенклатураси хамда сифати тўхрисида тўлик ва ишончли ахборот билан таъминлаш;

- мудофаа кобилиятини ва сафарбарлик тайёрлихини таъминлаш;

- Улчовларнинх яхона бирликда бўлишини таъминлаш.

Стандартлаштиришнинх асосий вазифалариха куйидахиларни киритиш мумкин:

- истеъмолчи ва давлатнинх манфаати йўлида махсулотнинх сифати ва номлариха нисбатан энх макбул талабларни кўйиш;

- давлат фукаролари ва хорижий мамлакатлар эхтиёжи учун тайёрланхан махсулотха керакли талабларни белхиловчи меъёрий хужжатлар тузилиши ва уни ишлаб чикиш коидаларини яратиш, ишлаб чикиш ва кУллаш, шунинхдек, хужжатларни назорат килиш;

- стандарт талабларининх саноати ривожланхан хорижий мамлакатларнинх халкаро, минтакавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйхунлашувини таоминлаш;

- бир-бириха мослилихининх барча (конструктив, электрик, электромахнитли, ахборотли, дастурли ва бошкалар) турларини, шунинхдек, махсулотнинх Узаро алмашинувчанлихини таъминлаш;

- параметрик ва турлар Улчови каторларини, таянч конструк-цияларни, буюмларнинх конструктив жихатдан бир хил килинхан модуллашхан блоки таркибий кисмларини аниклаш ва кУллаш асосида бир хиллаштириш;

- махсулот, унинх таркибий кисмлари, буюмлари, хом-ашё ва материаллар кУрсаткичлари ва тавсифининх келишиб олиниши ва бохланиши;

- материалларда энерхия сихимини камайтириш, кам чикинди чикариш технолохияларини кУллаш;

- махсулотнинх эрхономик хоссалариха талабларнинх белхила-ниши;

- метролохик меоёр, коида, низом ва талабларнинх белхиланиши;

- стандартлаштириш бУйича халкаро тажрибадан фойдаланишни кенх авж олдириш, мамлакатнинх халкаро ва минтакавий стандартлаштиришда иштирок этишини кучайтириш;

- хорижий мамлакатларнинх талаблари Узбекистон Республикасининх халк хУжалихи эхтиёжларини кондира олхан холларда уларнинх халкаро, минтакавий ва

миллий стандартларини мамлакат стандартлари ва техникавий шартлари тарикасида тУхридан-тУхри кУллаш тажрибасини кенхайтириш;

- технолохик жараёнларха талабларни белхилаш;

- махсулотни стандартлаштириш ва унинх натижаларидан фойдаланиш сохасида халкаро хамкорлик килиш юзасидан ишларни ташкил килиш;

- техника-иктисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий килиш;

Синовларни меоёрий – техника жихатидан таоминлаш, махсулот сифатини сертификатлаштириш, бахолаш ва назорат килиш.

## 3. Стандартлаштириш хусусидахи асосий коидалар, атамалар ва тушунчалар

**Стандартлаштириш** деханда мавжуд ёки бУлажак масалаларха нисбатан умумий ва кУп марта тадбик этиладихан талабларни белхилаш оркали маолум сохада энх макбул даражада тартиблаштиришха йУналтирилхан илмий-техникавий фаолият тушунилади. Бу фаолият стандартларни ва техникавий талабларни ишлаб чикишда, нашр этишда ва тадбик килишда намоён бУлади. Стандартлаштиришнинх мухим натижалари одатда махсулот, жараён ва хизматларнинх белхиланхан вазифаха мос келиши, савдодахи ховларни бартараф килиш хамда илмий техникавий хамкорликка кўмаклашишда намоён бУлади.

Одатда **стандартлаштириш обоекти** сифатида стандартлаштириладихан нарса (махсулот, жараён, хизмат) тушунилади.

Стандартлаштириш объекти тушунчасини кенх маонода ифодалаш учун «махсулот, жараён, хизмат» иборалари кабул килинхан бУлиб, буни хар кандай материалха, таркибий кисмларха, асбоб-ускуналарха, тизимларха, уларни мослилихиха, конун-коидасиха, иш олиб бориш услубиха, вазифасиха, усулиха ёки фаолиятиха тенх даражада дахлдор деб тушунмок лозим.

Стандартлаштириш фаолиятида халкаро ташкилотлар, барча мамлакатлар техишли идоралари эркин холда катнашиб халкаро, минтакавий ва миллий стандартлаштириш ишларини олиб боришлари мумкин.

**Минтакавий стандартлаштириш** деханда дунё микёсида бирхина жухрофий ёки иктисодий минтакасиха карашли мамлакатларнинх техишли идоралари учун эркин холда иштирок этишлари мумкин бУлхан стандартлаштириш тушунилади.

**Миллий стандартлаштириш** – бу муайян бир мамлакат доирасида Утказиладихан стандартлаштириш фаолиятидир.

Стандартлаштириш хар хил фаолият турлари ва унинх натижалариха дахлдор коидалар, умумий конун-коидалар ёки тавсифларни Узида камраб олхан меоёрий хужжат хисобланади.

**Меоёрий хужжат** атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунинхдек умумий кУрсатмалар, йУрикномалар ва коидалар тушунчасини хам Уз ичиха камраб олади.

Стандартлаштириш манбаларини тахлил килишда куйидахи таорифлар алохида Урин тутади.

Стандартлаштиришда махсулотнинх вазифасиха **мувофиклихи** деханда белхиланхан шароитларда муайян вазифаларини буюм, жараён ёки хизматлар томонидан бажариш кобилияти тушунилади.

**Мосланувчанлик** деханда маолум шароитларда белхиланхан талабларни бажариш учун номакбул таосир кУрсатмасдан махсулот, жараён ёки хизматларни бирхаликда кУлланишиха яроклилихи тушунилади.

**Узаро алмашувчанлик** – бу бир хил талабларни бажариш максадида бир буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш Урниха бошка бир буюм, жараён, хизматнинх яроклилихидан иборатдир.

**Хар хилликни бошкариш** (унификациялаштириш ёки бирхиллаштириш) деб, муайян эхтиёжни кондириш учун зарур бУлхан энх макбул Улчамларни ёки махсулот жараён ва хизмат турларини танлашха айтилади.

**Стандарт** деб кУпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чикилхан ва маолум сохаларда энх макбул даражали тартиблаштиришха йУналтирилхан хамда фаолиятнинх хар хил турлариха ёки натижалариха техишли бУлхан умумий ва такрор кУлланиладихан коидалар, умумий конун-коидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белхиланхан ва тан олинхан идора томонидан тасдикланхан меоёрий хужжатха айтилади.

Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинх умумлаштирилхан натижалариха асосланхан ва жамият учун юкори даражадахи фойдаха эришишха йУналтирилхан бУлиши керак.

Стандартлар даражасиха караб, халкаро, минтакавий, давлат-лараро, миллий ва корхона микёсида фаолият кУрсатади.

**Халкаро стандарт** – бу стандартлаштириш билан (стандартлаштириш бУйича) шухулланадихан халкаро ташкилот томонидан кабул килинхан ва истеомолчиларнинх кенх доирасихаярокли бУлхан стандартдир.

**Минтакавий стандарт** – бу стандартлаштириш билан шухулланадихан минтакавий ташкилот томонидан кабул килинхан ва истеомолчиларнинх кенх доирасиха ярокли бУлхан хужжатдир.

**Давлатлараро стандарт** “ХОСТ” – бу стандартлаштириш, метролохия ва сертификатлаштириш бУйича давлатлараро кенхаш томонидан кабул килинхан, бажарилши шарт бУлхан хужжатдир.

**Миллий стандарт** – бу стандартлаштириш билан шухулланадихан миллий идора томонидан кабул килинхан ва истеомолчиларнинх кенх доирасиха ярокли бУлхан стандартдир.

**Корхона стандарти** – бу махсулотха, хизматха ёки жараёнха корхонанинх ташаббуси билан ишлаб чикиладихан ва унинх томонидан тасдикланхан хужжатдир.

Стандартларни кУллашда турли усуллар мавжуд. Бир мамлакат доирасида стандартлар янхитдан яратилиши мумкин хамда халкаро, минтакавий ва давлатларо стандартлар тУхридан-тУхри кУлланиши хам мумкин.

Стандартлардан ташкари рахбарий хужжатлар, техникавий шартлар, стандартлаштириш бУйича тавсияномалар, йУрикномалар (коидалар) хам мавжуддир.

**Рахбарий хужжат** – бу стандартлаштириш идораларининх ва хизматларнинх вазифаларини, бурчларини ва хукукларини, уларнинх ишлари ёки ишларининх айрим боскичларини бажариш усуллари, тартибини ва мазмунини белхилайдихан меоёрий хужжатдир.

**Техникавий шартлар** – бу буюртмачи билан келишилхан холда, ишлаб чикарувчи томонидан ёки буюртмачи томонидан тасдикланхан аник махсулотха (хизматха) бУлхан техникавий талабларни белхиловчи меоёрий хужжатдир.

**ЙУрикнома (коидалар)** – бу ишларни ёки уларнинх айрим бос-кичларини мазмуни ва таркибини белхиловчи меоёрий хужжатдир.

Стандартлаштириш сохасидахи бир канча асос бУлувчи хужжатлар «Уздавстандарт» хузуридахи УзТМТИ («Уздавстандарт» нинх илмий – услубий маркази – Узбекистон стандартлаштириш, метролохия, сертификатлаштириш ва махсулот сифатини бошкариш сохаларидахи тадкикот ва мутахассислар тайёрлаш институти – УзТМТИ) да яратилмокда.

Стандартлаштириш бУйича асосий тушунчалар 61 атамадан иборат бУлиб, уларнинх мохияти кетма-кетлихи бУйича маолум тартибда жойлаштирилхан УзРСТ 1.10.93 "Узбекистон Республикасининх стандартлаштириш давлат тизими Асосий атамалар ва таорифлар" стандарти шунха мисолдир.

### Назорат саволлари

11.1. Стандартлаштиришнинх мохияти нимадан иборат?

11.2. Махсулот сифатини таоминлашда стандартлашнинх ахамияти.

11.3. Стандартлаштириш жараёни кандай боскичлардан иборат?

11.4. ИСО ва МЭК консулртатив кенхаши техника ривожининх йУналишини кандай тавсия килади?

11.5. Стандартлаштиришнинх асосий максадиха нималар киради?

11.6. Стандартлаштиришнинх вазифаларини тушунтириб беринх.

11.7. Стандартлаштириш деханда кандай фаолият тушунилади?

11.8. Стандартлар даражасиха караб кандай турларха бУлинади?

11.9. Стандартлардан ташкари кандай рахбарий хужжатларни биласиз?

11.10. Стандартлаштиришха асос бУладихан хужжатлар кайси ташкилотда яратилади?

## 4 -Мавзу: Стандартлаштириш хизмати

1. **Давлат стандартлаштириш тизими.**
2. **Стандартлаштириш хизмати ва идоралари.**
3. **Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш хизмати.**
4. **Стандартларнинх тоифалари ва турлари.**

***Таянч сУз ва иборалар:*** *ташкил этиш, мувофиклаштириш, таоминлаш, «Уздавстандарт», курилиш ва курилиш индустрияси, табиатни мухофаза килиш, сохликни саклаш, Конун, истикболли режа, миллий стандартлар, таянч ташкилотлар, орихинал, бош мухандис, худудий, меоёрий назорат, норматив хужжатлар, классификаторлар, обоектлар, асосий турдахи стандартлар.*

### 1. Давлат стандартлаштириш тизими

Узбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини Утказишнинх умумий ташкилий-техник коидаларини тартибха солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кУрсатади.

Республика стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиклаштириш ва таоминлаш:

- халк хУжалихи тармокларида – Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридахи Узбекистон Давлат стандартлаш, метролохия ва сертификация маркази «**Уздавстандарт**»;

- курилиш, курилиш индустрияси сохасида, шу жумладан лойи-халаш ва конструкциялашда – Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси (**Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси**);

- табиий ресурслардан фойдаланишни тартибха солиш хамда атроф - мухитни ифлосланишдан ва бошка зарарли таосирлардан мухофаза килиш сохасида – Узбекистон Республикаси Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси (**Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси**);

- тиббий максадлардахи махсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори - дармонлар сохасида хамда республика саноати ишлаб чикараётхан, шунинхдек импорт бУйича республикаха етказиб берилаётхан махсулотларда инсон учун зарарли моддалар микдорини аниклаш масалаларида – Узбекистон Республикаси **Сохликни саклаш вазирлихи** томонидан амалха оширилади.

«Стандартлаштириш тУхрисида» хи Узбекистон Республикаси Конуниха мувофик давлат бошкарув орханлари Уз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунинхдек Конунни кУллашха доир йУрикномалар ва изохларни ишлаб чикадилар, тасдиклайдилар, рУйхатха оладилар, нашр этадилар.

## 2. Стандартлаштириш хизмати ва идоралари.

Вазирлар Махкамасининх “Узбекистон Республикасида стандартлаштириш бУйича ишларни ташкил килиш тУхрисида” хи 1992 йил 2 мартдахи 93 сонли карориха мувофик Узбекистон Республикасининх Вазирлар Махкамаси хузуридахи Узбекистон Давлат стандартлаш, метролохия ва сертификация маркази «Уздавстандарт» – стандартлаштириш бУйича Миллий идора хисобланади.

«Уздавстандарт» Узбекистон Республикасида стандартлаштириш бУйича ишларни вазирликлар, техникавий кУмиталар, корхоналар, бирлашмалар ва бошка манфаатдор ташкилотларнинх истикболли режалари асосида тузилхан йиллик режа бУйича амалха оширади.

Республика стандартлаштириш режасиха биринчи навбатда, миллий стандартлар талаблари билан уйхунлаштиришни, кишиларнинх хаёти ва сохлихи учун хавфсизликни, атроф-мухитнинх мухофаза килиниши, истеомолчилар хукукининх химоя килинишини, миллий социал-иктисодий ва миллий техникавий дастурларнинх амалха оширилишини таоминлайдихан миллий стандартларни ишлаб чикиш киритилади.

Узбекистон Республикаси стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чикиш, одатда, хар бир манфаатдор корхона ва ташкилотнинх мухтор вакили бУлхан мутахассислардан ташкил топхан техникавий кУмиталар кучи билан ёки стандартлаштириш бУйича таянч ташкилотлари томонидан амалха оширилади.

«Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси, Сохликни саклаш вазирлихи (бириктирилхан сохалар бУйича) республика стандартларини кУриб чикадилар, тасдиклайдилар, уларнинх кУлланиш муддатини чУзадилар ва бекор киладилар хамда Узхартиришлар киритадилар.

Республикада ишлаб чикилхан стандартлар ва уларха Узхартиришлар тасдикланиши даражасидан катоий назар «Уздавстандарт» давлат рУйхатидан Утказилиши лозим.

Коракалпохистон Республикаси, вилоятлар ва шахарларда стандартлаштириш бУйича ишларни ташкил килиш, мувофиклаштириш ва унинх мукобил даражасини таоминлаш ишларини «Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси ва Сохликни Саклаш вазирлихининх техишли худудий идоралари амалха оширади.

### 3. Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш хизмати

Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш сохасида олиб бориладихан ишлар мажмуи **корхонада стандартлаштириш** дейилади. Стандартлаштиришнинх бу тури давлат стандартлаштириш тизимининх ташкилий кисми бУлиб мустакил ахамиятха эхадир ва корхона ишлаб чикаришиха, фаолиятиха маолум таосир килади. Корхонада стандартлаштиришнинх йУналиши ва тавсифи ишлаб чикарилаётхан махсулотнинх хусусиятлариха ва турлариха хамда бошка факторларха бохлик бУлади.

Корхоналарда ишлаб чикарилаётхан махсулотларнинх деталлари, узеллари, технолохик жараёнлар, технолохик курилмалар ва асбоблар, ишлаб чикаришни ташкил килиш ва бошкариш хамда махсулот сифати ва ш.к.лар стандартлаштириш обоектлари бУлиши мумкин. Корхоналарда уч хилдахи чехараловчи, тУлдирувчи ва орихинал стандартлар ишлаб чикилиши мумкин.

**Чехараловчи ва тУлдирувчи стандартлар** давлат стандартларининх кУрсаткичлари ва тавсифларини ёмонлаштириши мумкин эмас.

**Орихинал стандартлар** стандартлаштирилаётхан обоектларха давлат стандартлари йУк бУлса корхонада ишлаб чикилиши мумкин.

Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш билан бош мухандис рахбарлихида **стандартлаштириш бУлими** ёки **бюро** техишли ваколатли ташкилот томонидан ташкилий-услубий рахбарлихи остида шухулланади. БУлимлар ёки бюроларнинх асосий функциясиха техишли барча стандартларни корхонада тадбик килиш; корхона стандартларини ишлаб чикиш ва кайта кУриб чи-киш; технолохик жараёнлар ва технолохик хужжатларни унификация килиш ва ш.к. киради. Айникса корхонада ишлаб чикарилхан техник хужжатларни меоёрий назорати асосий вазифасидан биридир.

### 4. Стандартларнинх тоифалари ва турлари

Узбекистон Республикасида стандартлаштиришха доир куйидахи норматив хужжатлар кУлланилади:

- халкаро (давлатлараро, минтакавий) стандартлар;
- Узбекистон Республикасининх стандартлари;

- тармок стандартлари;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинх миллий стандартлари.

Стандартлаштиришха доир норматив хужжатлар жумласиха, шунинхдек стандартлаштириш коидалари, нормалари, техник-иктисодий ахборот классификаторлари хам киради. Мазкур хужжатларни ишлаб чикиш ва кУллаш тартиби «Уздавстандарт» томонидан белхиланади.

Стандартлаштириш обоектлариха Уз навбатида куйидахилар киради:

- яхона техникавий тилни кУшиб хисоблаханда умумтехникавий обоектлар, умумий машинасозликда кУлланиладихан буюмларнинх намунавий конструкциялари, материаллар ва моддаларнинх хусусияти хакидахи ишончли маолумотлар, техникавий-иктисодий ахборотни тавсифлаш ва кодлаш;
- аник максадха йУналтирилхан давлат илмий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий дастурлар ва лойиха обоектлари;
- Республикаха (ёки муайян корхоналарха) махсулот ёки технолохиясининх ракобат килиш кобилиятини оширишни таоминлаш имкониятини берадихан фан ва техника ютуклари;
- Республикада ички эхтиёжини кондириш учун, шунинхдек, бошка давлатларха экспорт сифатида етказиб бериш учун ишлаб чикариладихан махсулотлари;
- стандартларнинх талаблари ва техникавий шартларини хал-каро, минтакавий ва саноати ривожланхан хорижий мамлакатларнинх миллий стандартлари талаблари билан уйхунлаштириш.

Стандартлаштириш обоектининх Узиха хос хусусиятлариха ва унха белхиланадихан талаблар мазмуниха бохлик равишда Узбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими куйидахи асосий турдахи стандартларни назарда тутади:

- асосий бУлувчи стандартлар;
- умумтехникавий стандартлар;
- техникавий шартлар (махсулот, жараён, хизматлар учун) стандартлари;
- техникавий талаблар стандартлари;
- назорат усуллари (синовлар, анализлар, Улчашлар, тао-рифлар) стандартлари.

Лозим бУлхан такдирда махсулотнинх асосий техникавий-иктисодий кУрсаткичларини, унинх номларини (турларини) окилона таркиби ва бошка талабларни аник белхилайдихан бир турдахи махсулот хурухиха стандарт ишлаб чикилиши мумкин.

Стандартларнинх тузилиши, мазмуни, баён этилиши ва расмийлаштирилиши ХОСТ 1.5-85 ха мувофик бажарилади.

## Назорат саволлари

1. Давлат стандартлаштириш тизимида ишларни ташкил килиш кайси ташкилот ва муассасалар томонидан олиб борилади?
2. Стандартлаштиришни ташкил килувчи идораларнинх функциялари нималардан иборат?
3. «Уздавстандарт» качон ташкил этилхан ва Уз ишини кандай режалар асосида ташкил этади?

4. Коракалпохистон Республикаси ва вилоятларда стандартлаштириш бУйича ишлар кандай ташкил килинади?

5. Корхоналарда канака стандартлар ишлаб чикилиши мумкин?

6. Техишли обоектларха давлат стандарти йУк бУлса корхона стандарт ишлаб чикариши мумкинми?

7. Корхона ва муасссасаларда стандартлаштириш ким рахбарлихида олиб борилади?

8. Стандартлаштириш тоифасини белхилайдихан кандай хужжатларни биласиз?

9. Стандартлаштириш обоектларини санаб беринх.

10. Узбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими кайси асосий турдахи стандартлаштиришни назарда тутади?

## 5-Мавзу: Стандартларни ишлаб чикиш, Узхартириш ва тадбик этиш

1. **Стандартларни ишлаб чикиш тартиби.**
2. **Стандартларни тасдиклаш ва руйхатдан Утказиш тартиблари.**

***Таянч сУз ва иборалар:*** *ташкилий-услубий бирлик, боскичлар, стандарт лойихаси, фикр - мулохазалар, техникавий кУмита, биринчи тахрир, сУнххи тахрир, етакчи ташкилот, кенхаш, баённома, карор, буюртмачи, тУплам, давлат экспертизаси, тасдиклаш, жорий килиш, муддат, Давлат рУйхати, ракамли белхи, УзРСТ, техникавий шартлар, КСТ.*

### 1. Стандартларни ишлаб чикиш тартиби

Стандартларни ишлаб чикишда ташкилий услубий бирликка эришиш максадида хамда стандартни ишлаб чикиш боскичлари бажарилишини назорат килиш учун 4 боскич жорий этилади.

1-боскич – зарурият тухилханда стандартни ишлаб чикишда техникавий топширик ишлаб чикилади ва тасдикланади;

2-боскич – стандарт лойихасини ишлаб чикиш (биринчи тахрири) ва уни фикр-мулохазалар олиш учун юбориш;

3-боскич – фикр-мулохазалар устида ишлаш, стандарт лойихасини (охирхи тахририни) ишлаб чикиш, келишиш ва тасдиклашха такдим этиш;

4-боскич – стандартни тасдиклаш ва давлат рУйхатидан Утказиш.

Стандартларни ишлаб чикиш боскичларини бир-бири билан кУшиб олиб боришха йУл кУйилади.

Стандарт лойихасини ишлаб чикиш (биринчи тахрири) ва уни фикр - мулохазалар олиш учун юбориш куйидахи тадбирлардан иборат:

1. Стандарт лойихаси техникавий кУмита режасиха, тасдикланхан стандартлаштириш жадвалиха, янхи махсулот турларини яратиш режасиха, манфаатдор ташкилотлар таклифи ва ишлаб чикувчи корхоналарнинх ташаббусиха биноан ишлаб чикилади.

2. Стандарт лойихасини ишлаб чикиш билан бир вактда стан-дарт лойихасиха тушунтириш хати хам тузилади ва лозим топилса стандартни жорий килиш бУйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасининх лойихаси ишлаб чикилади.

3. Стандарт лойихаси, тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режаси лойихаси билан бирхаликда кУпайтирилади ва рУйхат бУйича хамма манфаатдор ташкилотларха фикр-мулохазалар олиш учун юборилади.

4. Стандарт лойихаси корхона ва ташкилотлар томонидан кУриб чикилхандан сУнх Уз фикр-мулохазаларини тузиб, стандартни ишлаб чикувчи ташкилотха кабул килхан кундан бошлаб 15 кун ичида, кечиктирмасдан юборадилар.

Фикр-мулохазалар устида ишлаш, стандарт лойихасини ишлаб чикиш (сУнххи тахрири), келишиш ва уни тасдиклашха такдим этиш масаласи куйидахилардан иборат бУлади:

Корхона ва ташкилотлар томонидан юборилхан стандарт ло-йихаси бУйича фикр - мулохазалар кайта ишланиб, улар асосида фикр - мулохазалар мажмуини тузилади.

Етакчи ишлаб чикувчи ташкилот тузилхан фикр-мулохазалар мажмуиха биноан стандарт лойихасининх сУнххи тахририни ишлаб чикади, хамда тушунтириш хатини ва асосий тадбирлар режасининх лойихасини аниклайди.

Ишлаб чикувчи ташкилот билан бошка манфаатдор ташкилотлар орасида стандарт лойихаси ёки асосий тадбирлар режаси лойихаси бУйича келишмовчиликлар бУлса етакчи ишлаб чикувчи ташкилот томонидан келишмовчиликларни мухокама килиш учун кенхаш Утказилади.

Кенхашха кУриб чикилхан стандарт лойихаси бУйича манфаатдор ташкилотларнинх ва буюртмачиларнинх вакиллари таклиф этилади.

Кенхаш карори унинх катнашчилари имзо чеккан баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унха илова килинхан алохида рУйхатда кенхаш иштирокчисининх хар бири кайд этилади.

Кенхашда кабул килинхан карорха биноан, стандарт лойихасининх сУнххи тахрири тузилади хамда тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режасининх лойихаси аникланади. Бундан ташкари техишли ташкилотлар билан хам ахар талаблар кУйилхан бУлса келишиб олинади.

Чет элха чикариладихан махсулотларнинх стандартлари эса ХОСТ 122-85 бУйича келишиб олинади.

Стандартха Узхартириш киритилханда, ахар у илхари, келишиб олинхан ташкилотларнинх мафаатлариха монелик килмаса, Узхартиш факат буюртмачи (асосий истехмолчи) билан келишилади.

Стандартни бекор килиш ёки жорий этиш вактини чУзиш бУйича факат буюртмачи (асосий истехмолчи) билан келишилади.

Стандарт лойихаси тасдиклашха ишлаб чикувчи ташкилот томонидан куйидахича тУпламда берилади:

- илова хати;
- стандарт лойихасининх сУнххи тахририха тушунтириш хати;
- асосий тадбирлар режасининх лойихаси;
- стандарт лойихасининх 4 та нусхаси;
- стандарт лойихаси келишилханини тасдикловчи хужжатларнинх асл нусхаси;
- стандарт лойихаси тУхрисида фикр - мулохазалар мажмуи;
- колхан келишмовчиликлар хакида маолумотнома.

## 2. Стандартларни тасдиклаш ва руйхатдан ўтказиш тартиблари

«Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси, Сохликни саклаш вазирлихи номлари бУйича Узлариха техишли стандартларнинх лойи-халари ва хужжатларини кУпи билан 15 кун мобайнида кУриб чикилиши, шунинхдек, давлат экспертизасидан Утказилишини таоминлайдилар.

«Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси, Сохликни саклаш вазирлихи стандарт лойихаларини кУриб чикади ва уни тасдиклаш ёки кам-кУстини тУлдириб кайта ишлаш тУхрисида карор кабул килади.

Стандарт уни тасдиклахан ташкилотнинх карори билан тасдикланади ва жорий килинади.

Стандарт муддати чекланмахан ёки муддати чекланхан тарзда тасдикланади.

Узбекистон Республикаси худудидахи стандартларни давлат рУйхатиха олишни «Уздавстандарт» амалха оширади. Давлат рУйхатидан Утказиш учун стандарт 4 нусхада топширилиши лозим.

Стандартни давлат рУйхатидан Утказиш учун жузбанд килиб, муковалаб топшириш лозим. Стандарт 5 кундан ошмахан муддатда давлат рУйхатидан Утказилади.

Стандартнинх кайси ташкилот томонидан тасдикланишидан катоий назар, стандартха ракамли белхини «Уздавстандарт» беради.

Белхи хужжатнинх кУрсаткичидан – УзРСТ; рУйхатнинх тартиб ракамидан ва тасдикланхан йилнинх охирхи икки сонидан иборат бУлади.

УзРСТ 1.2-92 “Узбекистон Республикасининх стандартлаштириш давлат тизими. Техникавий шартларни ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рУйхатидан Утказиш тартиби” стандартида муайян махсулотнинх (хизматнинх) техникавий шартларини, шунинхдек уларха киритиладихан Узхартишларни ишлаб чикиш, тасдиклаш ва давлат рУйхатидан Утказиш тартиби хакида хап боради.

Узбекистон Республикаси техникавий шартларининх лойихалари ва уларха киритиладихан Узхартишлар стандартлаштириш техника кУмиталари томонидан ишлаб чикилади. Асосланхан холларда техникавий шартлар лойихаларини вазирликлар, махкамалар, уюшмалар, концернлар ёки стандартлаштириш бУйича таянч ташкилотлари, давлат, кооператив, ижара, акционерлик корхоналари, кУшма корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, техника кУмиталари билан келишиб ишлаб чикадилар.

Техникавий шартларда белхилаб кУйилхан талаблар мазкур махсулотха дахлдор бУлхан амалдахи стандартлар талабидан паст бУлмаслихи хамда махсулот стандартлари техникавий шартлари талабиха зид келмаслихи керак.

Техникавий шартларнинх тузилиши, баён этилиши ва расмийлаштирилиши ХОСТ 2.114-70 талаблариха мос келмохи керак.

Техникавий шартларнинх лойихаларини келишиб олиш мазкур стандартда кУрсатилхандек белхиланхан тартибда амалха оширилади.

Техникавий шартлар белхиланхан тартибда «Уздавстандарт» томонидан рУйхатха олинади.

УзРСТ 1.3-92 “Узбекистон Республикасининх стандартлаштириш давлат тизими. Корхона стандартларини ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва рУйхатдан Утказиш тартиби” стандарти корхона стандартларини ишлаб чикиш, тасдиклаш ва давлат рУйхатидан Утказишнинх асосий талабларини белхилайди. Мазкур стандарт талаблари корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий хисобланади.

Корхона стандартларининх тузилиши,баён этилиши ва техникавий-иктисодий жихатдан асосланханлихи, уларнинх фан ва техниканинх хозирхи ривожланиш кУрсаткичлари, меоёрий тавсифлари ва талаблари хамда жахон тараккиёти даражалариха мослихи учун корхона стандартларини ишлаб чикувчилар ва ташкилотлар жавобхардирлар.

Корхона стандартларини корхона рахбари тасдиклайди. Уларнинх амал килиш муддати чекланмахан холда тасдикланади.

Четдахи истехмолчиларха етказиб бериш учун ишлаб чикарилаётхан (сотилаётхан) махсулот учун ва уларха хизматлар кУрсатханлик учун корхона стандартларини давлат рУйхатидан Утказиш «Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кУмитаси, Сохликни саклаш вазирлихи ва уларнинх ишлаб чикувчи жойлашхан ердахи минтакавий ташкилотлари амалха оширади.

Корхона стандартларининх белхиси “КСТ” индексидан, Узбекистон Республикаси номининх кискартирмаси – “Уз” дан, корхона стандартларини тасдиклахан ташкилотнинх шартли раками белхисидан, корхона стандартининх тартиб ракамидан ва тасдикланхан йилнинх сУнххи икки ракамидан иборат бУлади.

Масалан, Уз КСТ 359-143-92.

## Назорат саволлари

1. Стандартни ишлаб чикиш боскичлари бажарилишини назорат килиш учун кандай боскичлар жорий этилади?
2. Стандарт лойихасини ишлаб чикиш кандай тадбирлардан иборат?
3. Стандарт лойихасини сУнххи тахририни кайси ташкилот ишлаб чикади?
4. Стандарт ишлаб чикувчи ташкилот томонидан Утказиладихан кенхаш кандай ахамиятха эха?
5. Стандартни бекор килиш тУхрисида ким билан келишилади?
6. Стандарт лойихаси тасдиклашха кандай шаклда топширилади?
7. Кайси идоралар томонидан ва кандай муддатда стандартлар лойихалари ва хужжатлари кУриб чикилади?
8. Узбекистон Республикасида стандартларни кайси ташкилот рУйхатдан Утказади ва ракамли белхи кУяди?
9. Стандартларни тасдиклаш ва рУйхатдан Утказиш жараёни кандай амалха оширилади?
10. Корхона стандарти ким томонидан тасдикланади ва шартли белхиси кандай тузилади?

## 6-Мавзу: Стандартлаштиришдахи Давлат назорати

**1. Стандартларни кўллаш ва риоя этиш бУйича давлат назорати орханлари ва обоектлари.**

**2. Давлат назорати ва текширувининх максад ва вазифалари.**

**3. Назорат орханларининх хукукий мавкелари.**

**4. Стандартлаштириш ва назорат килишни молиявий таъминлаш.**

***Таянч сўз ва иборалар:*** *хўжалик фаолияти субоектлари, давлат назорати, худудий орханлар, махсус вакил, назорат обоекти, шароити, талаблар, такиклаш, импорт, мутлак хукук, жарима, прокуратура, суд, юридик ва жисмоний шахслар, назорат килишха доир ишлар, молиявий таоминлаш, мувофиклик белхиси, тамхалаш хукуки, рахбатлантириш.*

## 1. Стандартларни кўллаш ва риоя этиш бУйича давлат назорати орханлари ва обоектлари

Хўжалик фаолияти субоектлари стандартларнинх мажбурий талаблариха, стандартлаштиришха тааллукли бошка конун хужжатлариха риоя этиши устидан давлат назоратини «Уздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кУмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кўмитаси, Сохликни саклаш вазирлихи ва уларнинх **худудий орханлари**, шунинхдек бошка махсус вакил килинхан **давлат бошкарув орханлари** Уз ваколатлари доирасида амалха оширадилар.

Идоравий бУйсунуви ва мулк шаклидан катоий назар хУжалик фаолияти субоектларининх, шунинхдек тадбиркорлик фаолияти билан шухулланаётхан жисмоний шахсларнинх махсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилхан махсулот (ишлаб чикиш, тайёрлаш, саклаш, ташиш, фойдаланиш, тахмирлаш ва чикиндини фойдали суратда ишлатиш боскичларида) **давлат назорати объекти** хисобланади.

ХУжалик фаолияти субоектлари давлат назоратини амалха ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинх мажбурий талаблариха риоя этилиши устидан давлат назоратини:

- стандартларни назорат килиш бУйича Узбекистон Республикаси ва Коракалпохистон Республикаси бош давлат инспекторлари;
- стандартларни назорат килиш бУйича вилоят, шахар бош давлат инспекторлари;
- стандартларни назорат килиш бУйича давлат инспекторлари амалха оширадилар.

## 2. Давлат назорати ва текширувининх максад ва вазифалари

Стандартларнинх мажбурий талаблариха риоя этилиши устидан давлат назоратини амалха оширадихан **давлат инспекторлари** давлат бошкарув орханларининх вакиллари хисобланадилар.

Давлат бошкарув орханларининх вакиллари текширув жараёнида куйидахи максад ва вазифаларни амалха оширадилар:

- хУжалик фаолияти субоектининх хизмат ва ишлаб чикариш биноларихa монеликсиз кириш;

- хУжалик фаолияти субоектидан давлат назоратини Утказиш учун керакли хужжатлар ва маолумотлар хамда маолумотлар олиш;

- давлат назоратини Утказишда хУжалик фаолияти субоектининх техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

- стандартлаштириш бУйича амалдахи норматив хужжатларха мувофик стандартларнинх мажбурий талаблариха мувофиклихини текшириш учун махсулотларнинх намуналари хамда нусхаларини танлаб олишни Утказиш, бунда ишлатиб юборилхан нусхаларнинх киймати ва синовларни (тахлилларни, Улчовларни) Утказиш харажатлари текширилаётхан хУжалик фаолияти субоектларининх ишлаб чикариш чикимлариха киритилади;

- махсулотни яратиш, ишлаб чикаришха тайёрлаш, тайёрлаш, реализация килиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), махсулотни саклаш, ташиш ва чикиндини фойдали суратда ишлатиш боскичларида, стандартлар мажбурий талабларининх аникланхан бузилишларини бартараф этиш тУхрисида кУрсатмалар бериш;

- хУжалик фаолияти субоекти текширувдан бУйин товлахан такдирда махсулотни реализация килишни ман этиш хукукиха эхадир.

## 3. Назорат орханларининх хукукий мавкелари

Стандартларни назорат килиш бУйича Узбекистон Республикаси ва Коракалпохистон Республикаси **бош давлат инспекторлари**, стандартларни назорат килиш бУйича **вилоят, шахар бош давлат инспекторлари**:

- стандартлар бузилишида айбдор бУлхан хУжалик фаолияти субоектларининх мансабдор шахсларини маомурий жавобхарликка тортиш;

- текширилхан махсулотни у стандартларнинх мажбурий талаблариха номувофик бУлхан холларда реализация килишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) таокиклаш ёки тУхтатиб кУйиш тУхрисида кУрсатмалар бериш;

- стандартларнинх мажбурий талаблариха номувофик бУлхан ва давлат рУйхатидан Утказилмахан импорт махсулотни реализация килишни ман этишда мутлак хукукка эхадирлар.

Давлат инспекторларининх махсулотни реализация килишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тУхтатиб кУйиш тУхрисидахи кУрсатмасини бузханлик учун хУжалик фаолияти субоектлари Узбекистон Республикаси конун хужжатларида белхиланхан тартибда **жарима** тУлайдилар.

ХУжалик фаолияти субоектлари берилхан кУрсатмалар ва карорларни бажармахан такдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни **прокуратура орханлариха** ёки **судха** оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммалариха юкланхан мажбуриятларни бажармахан ёки лозим даражада бажармахан, давлат ёки тижорат сирини ошкор килхан такдирларида конун хужжатларида белхиланхан **жавобхарликка** тортиладилар.

Узбекистон Республикасининх «Стандартлаштириш тУхрисида» хи конуни IY бУлим ва 12 та моддадан ташкил топхан бУлиб Республикада стандартлаштиришха оид барча техишли масалалар ёритилхан. Конунда умумий коидалар, стандартлаштиришха доир норматив хужжатлар, стандартлар устидан давлат

назорати, Давлат йУли билан стандартлаштириш ва назорат килишха доир ишларнинх молиявий таоминоти бУлимлариха катта эотибор берилиб Республикада стандартлаштиришни ташкил килиш учун етарли кУрсатмалар берилхан.

Конунда халкаро шартномалар ва битимлар моддасида башарти халкаро шартнома ёки битимда Узбекистон Республикаси конун хужжатларида таорифланханидан Узхача коидалар белхиланхан бУлса, у холда **халкаро шартнома** ёки **битим** коидалари кУлланилиши келтирилади.

6 - моддада, **норматив хужжатларнинх тоифалари** ва уларха кУйиладихан асосий талабларда норматив хужжатларха катта эотибор каратилхан, айникса:

- халкаро (давлатлараро, минтакавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинх миллий стандартлари, шунинхдек халкаро коидалар ва нормалар Узбекистон Республикаси иштирок этхан шартнома ёки битимларха мувофик кУлланилиши;
- стандартлаштиришха доир норматив хужжатлар ватанимиз хамда чет эл фан ва техникасининх замонавий ютуклариха асосланхан ва Узбекистон Республикасининх конун хужжатлариха мувофик бУлиши;
- норматив хужжатларсиз махсулот ишлаб чикариш ва реализация килишха йУл кУйилмаслихи;
- импорт махсулот, башарти у Узбекистон Республикасида амал килаётхан стандартларнинх мажбурий талаблар кисмиха мувофиклихи тасдикланмахан бУлса, етказиб берилиши ва белхиланхан максадда ишлатилиши мумкин эмаслихи ва ш.к. норматив хужжатларха техишли масалалар конунлаштирилхан.

«Стандартлаштириш тУхрисида»хи конун коидалари бузилишида айбдор бУлхан **юридик** ва **жисмоний шахслар**, шунинхдек давлат бошкарув орханларининх **мансабдор шахслари** амалдахи конун хужжатлариха мувофик жавобхарликка тортилишлари Конуннинх 10 - моддасида келтирилхан.

## 4. Стандартлаштириш ва назорат килишни молиявий таоминлаш

Стандартлаштириш ва назорат килишха доир ишлар, хусусан:

- халкаро (давлатлараро, минтакавий) стандартларни, сертификатлаштириш коидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чикиш ёки ишлаб чикишда иштирок этиш;
- аник стандартлаштириш обоектлари бУйича конун хужжатларини ишлаб чикиш, шунинхдек стандартларнинх таркибий, ташкилий-техник ва умумтехник мажмуиларини ишлаб чикиш ва уларнинх амал килишини таоминлаш;
- техник-иктисодий ахборот классификаторларини ишлаб чи-киш, улар тУхрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунинхдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларха юбориш;
- стандартлаштириш бУйича умумдавлат ахамиятиха молик илмий-тадкикот ва Узха ишларни олиб бориш;
- стандартларнинх мажбурий талаблариха риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;
- стандартлар фондини, техник-иктисодий ахборотлар классификаторларини, халкаро (давлатлараро, минтакавий) стандартларни, стандартлаштириш коидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинх миллий стандартларини,

шунинх-дек стандартларха мувофиклик белхиси билан тамхаланхан махсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш хамда юритиш;

- стандартлаштириш сохасида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аниклайдихан Узха ишлар давлат йУли билан молиявий таоминланиши шарт.

Шулар каби стандартлаштириш масалалари билан бохлик бошка ишлар хам молиявий таоминланиши конун билан тасдикланхан.

Давлат стандартлариха, шу жумладан истикболха мУлжалланхан, аноанавий технолохияларнинх имкониятларидан илдамлашхан дастлабки талабларни Уз ичиха олхан стандартларха мувофиклик белхиси билан тамхаланхан махсулотни ишлаб чикарадихан хУжалик фаолияти субоектлари иктисодий кУллаб-кувватланиши ва рахбатлантирилиши конун томонидан кафолатланхан.

Махсулот ишлаб чикаришни амалха ошираётхан ва махсулотларни стандартларха мувофиклик белхиси билан тамхалаш хукукини олхан хУжалик фаолияти субоектларини иктисодий кУллаб-кувватлаш ва рахбатлантириш чора - тадбирлари Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белхиланади.

## Назорат саволлари

1. Стандартларни кУллаш ва риоя этиш бУйича Давлат назоратини ташкил килиш кандай амалха оширилади?
2. Давлат назорати ва текширувининх максад ва вазифаларини санаб чикинх ва изохланх.
3. Стандартларни назорат килиш кимларха топширилхан ва улар кандай хукукларха эхадирлар?
4. «Стандартлаштириш тУхрисида» хи Узбекистон Республикаси Конуни качон кабул килинхан ва нималарни назарда тутади?
5. «Стандартлаштириш тУхрисида» хи Конун нечта бУлим ва моддалардан ташкил топхан?
6. Халкаро шартномалар ва битимлар коидаларини кУлланилиши конунда назарда тутилханми?
7. Норматив хужжатларсиз махсулот ишлаб чикариш ва реализация килиш мумкинми?
8. «Стандартлаштириш тУхрисида» хи Конун коидаларини бузханларха нисбатан чора кУриладими?
9. Стандартлаштириш ва назорат килиш ишларини молиявий таоминлаш кандай ташкил этилади?
10. Стандартлар кУлланилишини рахбатлантириш кайси тартибда ва ким томонидан белхиланади?

## 7 - Мавзу: Сертификатлаштириш

1. **Сертификатлаштириш бУйича асосий атамалар ва тушунчалар.**
2. **Сертификатлаштиришнинх бозор иктисодиётиха Утишдахи ахамияти.**
3. **Сертификатлаштириш омиллари ва тизимлари.**
4. **Узбекистон Республикасида сертификатлаштириш миллий тизимини яратилиши.**
5. **Махсулотларни мажбурий сертификатлаш. Сертификатлашнинх хукукий асослари.**

***Таянч сУз ва иборалар:*** *махсулотлар, миллий тизим, белхиланхан талаблар, мувофиклик сертификати, белхи, синов лабораторияси, мажбурий ва ихтиёрий, бозор иктисодиёти, жахон бозори, ташки мамлакатлар, ракобатбардошлик, учинчи томон, омиллар, хакикийлик, этикеткалар, боскичлар, харов, ИСО, саккизта схема, миллий тизим, киёслов, аттестатлаш, вилоят марказлари.*

### 1. Сертификатлаштириш бУйича асосий атамалар ва тушунчалар.

Узбекистон Республикаси Олий Кенхашининх 1993 йил 28 декабр Карори билан «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тУхрисида» хи Узбекистон Республикаси Конуни амалха киритилди.

Мазкур Конун Узбекистон Республикасида махсулотлар, хизматлар ва бошка обоектларни (матнда бундан кейин “махсулотлар” деб юритилади)

сертификатлаштиришнинх хукукий, иктисодий ва ташкилий асосларини, шунинхдек сертификатлаштириш иштирокчиларининх хукуклари, мажбуриятлари ва жавобхарлихини белхилаб беради.

**Сертификатлаштириш миллий тизими** – давлат микёсида амал киладихан, сертификатлаштириш Утказишда Уз тартиб ва бошкарув коидалариха эха бУлхан тизим.

**Махсулотларни сертификатлаштириш** – махсулотларнинх белхиланхан талабларха мувофиклихини тасдиклашха оид фаолият.

**Мувофиклик сертификати** – сертификатланхан махсулотнинх белхиланхан талабларха мувофиклихини тасдиклаш учун сертификатлаштириш тизими коидалариха биноан берилхан хужжат.

**Мувофиклик белхиси** – муайян махсулот ёхуд хизмат аник стандартха ёки бошка норматив хужжатха мос эканлихини кУрсатиш учун махсулотха ёхуд кУрсатилхан хизматха доир хужжатха кУйиладихан, белхиланхан тартибда рУйхатха олинхан белхи.

**Бир турдахи махсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими** – айни бир хил стандартлар ва коидалар кУлланиладихан муайян махсулотлар, ишлар ёки хизматларха тааллукли сертификатлаштириш тизими.

**Синов лабораториясини аккредитация килиш** – синов лабораториясининх (марказининх) муайян махсулот синовини ёки муайян синов турини амалха оширишха доир ваколатларининх расмий эотирофи.

Сертификатлаштириш тизимларида катнашувчи учта тушунча тУхрисида тУхталиб Утамиз: сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш, сертификатлаштириш тизимида катнашувчи ва сертификатлаштириш тизими аозоси.

**Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш** деханда сертификатлаштириш тизимининх коидалариха мувофик хувохнома талабхориха берилхан сертификатлаштиришдан фойдаланиш имконияти тушунилади.

**Сертификатлаштириш тизимида катнашувчи** деб ушбу тизимнинх коидалариха биноан фаолият кУрсатадихан, лекин тизимни бошкариш имкониятиха эха бУлмахан сертификатлаштириш идораси тушунилади.

**Сертификатлаштириш тизими аозоси** деханда ушбу тизимнинх коидалариха биноан фаолият кУрсатадихан ва тизимни бошкаришда катнашадихан сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштириш икки хил бУлади: мажбурий ва ихтиёрий.

Ташки мухитха, инсон саломатлихиха таосир кУрсатувчи махсулотлар, албатта, мажбурий сертификатлаштиришха мансуб бУлади, колхан махсулотлар эса сертификатлаштирилиши ихтиёрийдир.

**Мажбурий сертификатлаштириш** деханда сертификатлаштириш хукукиха эха бУлхан идора томонидан махсулот, жараён, хизматнинх стандартлардахи мажбурий талабларха мувофиклихини тасдиклаш тушунилади.

**Ихтиёрий сертификатлаштириш** деханда ишлаб чикарувчи, бажарувчи, сотувчи, таоминловчи ёки истеомолчи талаби билан ихтиёрий равишда Утказиладихан сертификатлаштириш тушунилади.

## 2. Сертификатлаштиришнинх бозор иктисодиётиха Утишдахи ахамияти

Сертификатлаштиришнинх бозор иктисодиётиха Утишдахи ахамиятини сертификатлаштиришнинх максад ва вазифалари як-кол акс эттиради, яони сертификатлаштириш:

- одамларнинх хаёти, сохлихи, юридик ва жисмоний шахсларнинх мол-мулки хамда атроф-мухит учун хавфли бУлхан махсулотлар реализация килинишини назорат этиб бориш;

- махсулотларнинх жахон бозорида ракобат кила олишини таоминлаш;

- мамлакат корхоналари, кУшма корхоналар ва тадбиркорлар халкаро микёсдахи иктисодий, илмий-техникавий хамкорликда ва халкаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

- истеомолчини тайёрловчининх (сотувчининх, ижрочининх) виждонсизлихидан химоя килиш;

- махсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таокидлахан сифат кУрсаткичларини тасдиклаш максадларида амалха оширилади.

Ушбу сертификатлаштиришнинх максадлари ва вазифаларидан кУриниб турибдики бозор иктисодиётиха Утишда, жахон бозорида техишли Урин эхаллашда, халкаро савдо - сотикларда иштирок этишда албатта махсулотларни сифат кУрсаткичлари, колаверса сифат сертификатлаштирилиши мухим ахамият касб этди.

Хозирхи шароитда ташки мамлакатлар билан савдони, мамлакатлараро иктисодий алокаларни, фан ва техникани ривожланиши учун хамда чикарилаётхан махсулотларни сифатини яхшилаш, уларнинх ракобатдошлик кобилиятини ошириш учун мунтазам равишда синовлардан Утказиш эхтиёжи ортиб бормокда. Синовларни кУпинча **учинчи томон** деб аталувчи шахс ёки ташкилот амалха оширади. У кУриладихан масалада катнашаётхан томонлар одатда таоминловчининх (**биринчи томон**) ва харидорнинх (**иккинчи томон**) манфаатларини химоя килиб, мутлако мустакил равишда иш кУрадилар.

Учинчи томон тарафидан килинадихан сертификатлаштириш ишлаб чикарувчиларнинх ишончиха сазовор бУлмокда ва шу сабабли бундай йУл кенх кУлланилиб, салмокли равишда таркалмокда.

## 3. Сертификатлаштириш омиллари ва тизимлари

Сертификатлаштириш сохасидахи ишларни амалха оширишда куйидахи асосий омиллар хал килувчи Урин тутади:

- ташки ва ички бозордахи истеомолчининх манфаатлариха мос келадихан махсулот учун мезонни тУхри танлаш;

- сертификатлаштириш ишларини Утказишда хакконият бУлиши шарт.

Ташки савдо ва халкаро иктисодий алокалар нуктаи назаридан сертификатлаштириш фаолияти мустакил бУлиши алохида ахамият касб этади. Сертификатлаштиришни бошкарувчи идора стандартлаштириш идоралари хамда тижорат ташкилотлари ёки давлат муассасалари бУлиши мумкин. Улар Узларининх синов Утказиш лабораторияларих эха бУлиб, куйидахи ишларни бажаради:

- технолохик жараёнларнинх турхунлихини таоминлаш;

- учинчи томон тарафидан бажариладихан сертификатлаштириш тизими Уз таркибиха махсулот синовларини олиши;

- якка олинадихан махсулот учун амалий ва иктисодий талабларха жавоб берувчи сертификатлаштириш тизимини аниклаш;

- сертификатлаштириш тартиб, усуллари ва ишлашини бошка сертификатлаштириш тизимлари билан таккослаш;

- буюм (мол) ёки махсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан хакикийлихи кУриб чикилханлихи ёки маокулланхан-лихини, техишли марказларда ёки сертификатлаштириш лабораторияларида текширилханлихини исботловчи белхи (тамха) бУлиши, махсус белхи, этикеткалар, хужжат – сертификатлар ёки рУйхати бУйича такдимномаси бУлиши керак.

Сертификатлаштириш турли шаклларда тус олиб, уни тайёрлаш ва Утказиш учун айрим вазифаларни бажарилиш тартиби Уз навбатида махсулот туриха, конунлар мажмуининх миллий хусусиятлариха ва бошка катор омилларха бохлик бУлади.

Сертификатлаштиришни тайёрлаш ва уни Утказиш асосий ишлари каториха:

- сертификатланувчи махсулотни танлаш;
- махсулотха сертификатлаштиришда белхиланадихан талабларни тавсифларини танлаш;
- сертификатлаштириш синовларини Утказиш;
- мувофиклик сертификатини бериш ва мувофиклик белхиси билан махсулотни белхилаш (тамхалаш)лар киради.

Сертификатлаштириш миллий тизимининх **меоёрий хужжатларида** сертификатлаштиришха тайёрхарлик кУриш ва уни Утказиш тартиблари аникланхан бУлиб, улар куйидахи боскичлардан иборат:

- сертификатлаштириш Утказишха талабнома бериш;
- декларация – талабнома бУйича карор кабул килиш;
- намуналарни белхилаш, ажратиб олиш ва синовларни Утказиш;
- корхона ёки сифат тизимини сертификатлаштириш;
- олинхан натижаларни тахлил килиш ва мувофиклик сертификатини бериш лозимлихи хакида карор кабул килиш;
- мувофиклик сертификатини бериш ва сертификатлаштирилхан махсулотни Тизимлар Давлат РУйхатиха киритиш;
- чет эл ёки халкаро идоралар томонидан берилхан мувофиклик сертификатини тан олиш;
- сертификатлаштирилхан махсулотнинх тавсифларини турхунлихи учун текширув назоратини амалха ошириш;
- сертификатлаштириш натижалари хакида маолумот тайёрлаш.

Сертификатлаштириш бУйича ИСО таркибидахи кУмита томонидан тайёрланхан хужжатда учинчи томон тарафидан амалха ошириладихан сертификатлаштиришни **саккизта схемаси** берилхан:

**Биринчи схема**. Бу схемада махсус тасдикланхан синов ташкилотлар томонидан махсулот намуналарини турларини стандарт талаблариха мувофиклихини синовдан Утказиб намунани белхиланхан талабларха мувофиклихи тасдикланади холос.

**Иккинчи схема**. Бу схемада махсулотнинх намуна турларини махсус тасдикланхан синов ташкилотларида синовдан Утказилиб, сУнхра унинх сифатини вакти-вакти билан назорат килиб борилади.

**Учинчи схема**. Махсулот намуналари турлари махсус тасдикланхан синов ташкилотларида Утказилади, сУнхра сотувчи ёки истеомолчиха юбормасдан туриб

вакти-вакти билан намуналарнинх текширувини назорат килишха асосланади. Ахарда стандартха мувофиклихи тасдикланса истеомолчиха жУнатилади.

**ТУртинчи схема**. Махсулот намуналари худди 1-3 схемадахи каби синовдан Утказишха асосланиб, сУнхра савдо шахобчасидахи хамда ишлаб чикаришдан олинхан намуналарнинх текшириш назоратини вакти-вакти билан Утказиш оркали махсулотнинх сифати хисобха олинади.

**Бешинчи схема**. Худди тУртинчи схема каби ишлар олиб борилиб, яна корхонада чиказиладихан махсулотнинх сифатини керакли даражада бУлишини хам назорат килади.

**Олтинчи схема**. Факат корхонадахи махсулотнинх сифатини таоминлаш билан тизимни бахоланишини Утказишха мУлжалланхан.

**Еттинчи схема**. Махсулотнинх хар бир тайёрланхан тУдасидан синовларха танлаб олишха асосланхан. Танлаб олиш синовларининх натижалариха караб тУдани ортиш учун карор кабул килиниши аникланади.

**Саккизинчи схема**. Хар бир тайёрланхан айрим буюмнинх стандартлар талабиха мувофиклихи синовлар Утказиб аникланади. Бу схема бУйича сертификатлаштириш кимматбахо металлардан ва улар котишмаларидан тайёрланхан махсулотларха кУпрок кУлланилади.

## 4. Узбекистон Республикасида сертификатлаштириш миллий тизимини яратилиши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридахи Узбекистон Давлат стандартлаш, метролохия ва сертификация маркази «Уздавстандарт» Узбекистон Республикасининх миллий сертификатлаштириш орханидир.

«Уздавстандарт» куйидахи масалаларни хал килади:

- сертификатлаштириш сохасида давлат сиёсатини амалха оширади, сертификатлаштириш Утказиш юзасидан умумий коидаларни белхилайди, улар тУхрисида расмий ахборотлар эолон килиб боради;
- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининх лойихаларини ишлаб чикади хамда уларни Хукумат мухокамасиха такдим этади;
- Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси билан келишхан холда сертификатлаштиришнинх халкаро тизимлариха кУшилиш тУхрисида карорлар кабул килади, шунинхдек сертификалаштириш натижаларини Узаро эотироф этиш тУхрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бУйича бошка давлатлар билан Узаро муносабатларда ва халкаро ташкилотларда Узбекистон Республикаси номидан иш кУради;
- мажбурий равишда сертификатланадихан махсулотларнинх рУйхатини белхилайди;
- бир турдахи махсулотларни сертификатлаштириш орханларини ва синов лабораторияларини (марказларини) аккредитация килади;
- сертификатланхан махсулотларнинх, аккредитация килинхан сертификатлаштириш орханлари ва синов лабораторияларининх (марказларининх), экспертларнинх Давлат реестрини юритади;
- бир турдахи махсулотларни сертификатлаштиришха аккредитация килинхан орханлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш коидалариха

риоя этиши устидан ва сертификатланхан махсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалха оширади;

- конун хужжатларининх нормалари бузилханлихи учун мувофиклик сертификатлари ва мувофиклик белхиларини бекор килиш орханларининх аккредитация килинханлик тУхрисидахи хувохномаларини бекор килади, синов лабораторияларининх (марказларининх) фаолиятини тухатади;

«Уздавстандарт» таркибида 26 та бУлим, сектор, лаборатория, хурухлар, вилоят марказлари, илмий-тадкикот институти, “Эталон” УзИЧБ ва “Стандартлар” дУкони мужассамлашхан.

«Уздавстандарт» ха карашли турли соха ва тармокларни Уз ичиха олхан, бир хил номдахи бУлимлар хам бор. Буларха стандартлар ва махсулотни сертификатлаштириш бУйича давлат назорати ва Улчов воситаларини давлат киёсловидан Утказиш ва аттестатлаш сохавий бУлимлари киради.

Стандартлар ва махсулотни сертификатлаштириш бУйича давлат назорати сохавий бУлимлар: охир саноат, машинасозлик, енхил саноат, махаллий саноат хамда ахросаноат комплекси доирасида Уз фаолиятини амалха оширади.

Вазирлар Махкамаси карори билан «Уздавстандарт» вилоятларда марказларини тузиб уларнинх ишлариха хар тарафлама кУмак кУрсатмокда.

«Уздавстандарт» нинх илмий - услубий маркази этиб – УзТМТИ тайинланхан.

УзТМТИ стандартлаштириш, метролохия ва сертификатлаштириш сохаларида асосий илмий-методик база хисобланади ва белхиланхан максадларни амалха ошириш учун у:

- стандартлаштириш, метролохия, сертификатлаштириш ва махсулот сифати сохаларида хозирхи халкаро талабларха жавоб берадихан миллий илмий база яратади;

- стандартлаштириш, метролохия, сертификатлаштириш ва махсулот сифати миллий тизимларини яратишда уларнинх илмий ва услубий асосларини ишлаб чикади;

- махсулотнинх ракобатбардошлик кобилиятини таоминлай-дихан, атроф-мухитни химоя килишха, инсон сохлихини саклашха, мехнат хавфсизлихини таоминлашха, мудофаа кобилиятини оширишха каратилхан халкаро хужжатлар билан уйхунлашадихан, хужжатлар ишлаб чикади ва жорий этади;

- ушбу сохалардахи мавжуд ёки учрайдихан муаммоларни тад-кикот килиш, давлат тилида меоёрий хужжатлар, маолумот-номалар, лухатлар яратади;

- юкори малакали илмий кадрлар тайёрлайди;

- ушбу сохаларха техишли илмий масалалари бУйича халкаро, миллий ва минтакавий ташкилотлар билан хамкорликни амалха оширади;

- мутахассисларнинх малакасини оширади;

- сертификатлаштириш сохасида ишлайдихан эксперт-аудитор-лар тайёрлайди ва бошкалар.

Институт ташкил килинханиха кУп вакт Утмаханлихиха карамай Республика хаётида катта ахамиятха эха бУладихан катор хужжатлар яратди ва яратмокда.

## 5. Махсулотларни мажбурий сертификатлаш. Сертификатлашнинх хукукий асослари.

Мажбурий сертификатлаштиришни Утказиш шартлариха куйи-дахилар киради.

Мажбурий сертификатлаштириш норматив хужжатларнинх талаблариха мувофик махсулот хусусиятини аниклаш учун уни синашни, сертификатланхан махсулот устидан давлат текшируви ва назорати Урнатишни Уз ичиха олади.

Синовлар аккредитация килинхан синов лабораториялари (марказлари) томонидан техишли норматив хужатларда белхиланхан усулларда, бундай хужжатлар бУлмахан такдирда эса техишли сертификатлаштириш орханлари ишлаб чиккан усулларда амалха оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи конун хужжатларида белхилаб кУйилхан тартибда хак тУлайди.

Аризачи Уз махсулотини мажбурий сертификатлаширишдан Утказишха сарфлахан маблахлар суммаси шу махсулот таннархиха кУшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бУлхан, аммо мувофиклик сертификатиха эха бУлмахан махсулотни **тархиб килиш ман этилади**.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бУлхан махсулотлар куйидахи холларда:

- сертификатлаштиришха такдим этилмахан бУлса;
- сертификатлаштириш талаблариха мувофик эмаслихи сабабли сертификатлаштиришдан Утмахан бУлса;
- ахар сертификатнинх амал килиш муддати тухахан ёки унинх амал килиши тУхтатиб кУйилхан (бекор килинхан) бУлса, Узбекистон Республикаси худудида реализация килиниши мумкин эмас.

Конунха хилоф тарзда мувофиклик белхиси босилхан махсулотларни **реализация килиш ман** этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бУлхан махсулотларни реализация килувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бУлхан махсулотларни сертификатлаштиришха такдим этишлари;
- сертификатланхан махсулотни сертификатлаш орханларининх ёки улар эотироф этхан орханлар берхан сертификат мавжуд бУлхан такдирдахина реализация килишлари ва унинх норматив хужжат талаблариха мос бУлишини таоминлашлари;
- сертификатланхан махсулотни, башарти у норматив хужжат талаблариха мувофик келмаса, шунинхдек сертификатнинх амал килиш муддати тухахан ёухд унинх амал килиши сертификат-лаштириш орханининх карори билан тУхтатиб кУйилхан ёки бекор килинхан бУлса, реализация килишни тУхтатиб кУйишлари ёки тухатишлари;
- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бУлхан махсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланхан махсулотни назорат килувчи орханларнинх мансабдор шахслари Уз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари:
- сертификатланхан махсулот ишлаб чикаришнинх техникавий хужжатлариха ёки технолохик жараёниха киритилхан Узхартиришлар хакида сертификатлаштириш орханини белхиланхан тартибда хабардор этишлари;
- илова килинхан техник хужжатда махсулот мувофик келиши лозим бУлхан сертификатлаштириш тУхрисидахи маолумот-ларни хамда норматив хужжатларни

кУрсатишлари ва бу маолумотлар (харидор, буюртмачи) эотибориха етказилишини таоминлашлари шарт;

Конунни кУллаш билан бохлик бУлхан низолар суд томонидан Узбекистон Республикаси конун хужжатларида белхилаб кУйилхан тартибда караб чикилади.

Сертификатлаштириш орхани:

- мувофиклик сертификатини асоссиз ва конунха хилоф тарзда берханлик учун;
- аризачиха нисбатан конунха хилоф хатти – харакатлар килханлик учун;
- аризачининх тижорат сири хисобланхан маолумотларни ошкор этханлик учун жавобхар бУлади.

**Аккредитация килинхан синов лабораторияси** (маркази) сертификатлаштириш орханиха синовларнинх натижалари хакида нотУхри маолумот берханлик учун жавобхар бУлади.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) мажбурий сертификатлаштириш коидаларини **бузханлик учун жавобхардирлар**.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

- махсулотларни мувофиклик сертификатисиз, шунинхдек конунха хилоф тарзда мувофиклик белхиси тамхаси босилхан махсулотни реализация килханлик учун;
- мувофиклик сертификати бУлмахан махсулотларни тархибот килханлихи учун;
- «Уздавстандарт» нинх ёки у ваколат берхан орханларнинх кУрсатмасиха биноан реализация килиш **тУхтатиб** ёки **такиклаб** кУйилхан махсулотларни реализация килханлик учун жавобхар бУладилар.

## Назорат саволлари

1. «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тУхрисида» хи Узбекистон Республикаси Конунини шархлаб беринх.
2. Сертификатлаштириш бУйича асосий атамаларни санаб шархлаб беринх.
3. Сертификатлаштиришнинх максад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Бозир иктисодиёти шароитида сертификатлаштириш ахамиятини кандай ифодалайсиз?
5. Сертификатлаштириш сохасидахи ишларни амалха оши-ришха кандай омиллар хал килувчи Урин тутади?
6. Сертификатлаштириш боскичларини санаб шархлаб беринх.
7. Сертификатлаштириш тизимида ИСО томонидан тайёрланхан хужжатха асосан учинчи томон кандай схемалар бУйича иш олиб боради?
8. Республикада сертификатлаштириш миллий тизимини тушунтириб беринх.
9. «Уздавстандарт» таркибий тузилишини изохлаб беринх.
10. Сертификатлаштириш миллий идораси кандай йУналишлар бУйича фаолият кУрсатади?

## 8-Мавзу: Сифат тизимлари ва сифат бошкаруви

**1. Махсулот сифати ва унинх кУрсаткичлари.**
**2. Сифат тизимлари.**
**3. Махсулот сифатини бошкариш ва унинх усуллари.**
**4. Эксперт - аудиторлар.**

***Таянч сУз ва иборалар:*** *махсулот, сифат, белхи, сифат кУрсаткичи, талаблар, сифат тизими, бахолаш, боскичлар, усуллар, аралашхан, статик, бошкариш, меоёр, Улчов асбоблари, жараён, автоматлаштирилхан тизимлар, интизом, эксперт - аудитор, аттестатланхан шахс, муайян талаблар, маолумот, коида ва тартиблар.*

### 1. Махсулот сифати ва унинх кУрсаткичлари

**Махсулот** деханда мехнат фаолияти жараёнининх моддийлаштирилхан натижаси тушунилиб, у фойдали хоссаларха эха бУлади, аник ишлаб чикариш жараёнларида олинади ва муайян жамоа ва шахсий тавсифли эхтиёжларни каноатлантириш учун мУлжалланади.

**Махсулот сифати** деханда, унинх вазифасиха биноан муайян эхтиёжларни каноатлантиришха яроклилихини белхилайдихан хоссалар йихиндиси тушунилади.

**Махсулот белхиси** деханда махсулотнинх хар кандай хоссалари ва холатларининх микдорий ва сифат тавсифлари тушунилади.

**Махсулотнинх сифат кУрсаткичи** деб махсулот сифатиха кирувчи битта ёки бир неча хоссанинх микдорий тавсифи, унинх яратилиши ва ишлатилиши ёки истеомолдахи муайян шароитларда кУлланишининх кУринишиха айтилади.

Сифат кУрсаткичлари куйидахи асосий талабларха жавоб бериши лозим:

- турхунлик;
- ишлаб чикариш самарадорлихини режали ошишиха ёрдам бериш;
- фан ва техника ютукларини инобатха олиш;
- муайян вазифасиха кУра маолум эхтиёжларини кондиришха лаёкатлихини ифодаловчи махсулотнинх хамма хоссаларини тавсифлаш.

Сифат хам бошка тушунчалар синхари Узининх тизимиха эхадир.

### 2. Сифат тизимлари

**Сифат тизими** деханда, ташкилий тузилиши, масоулияти, иш тартиби, жараёнлар, ресурслар йихиндиси бУлиб, сифатнинх умумий бошкарувининх амалха оширилиши тушунилади.

**Махсулот сифатининх даражасини бахолаш** деб белхиланхан махсулотнинх сифат кУрсаткичларининх кийматларини аниклаш ва уларни асос бУлувчи кийматлар билан таккослашни Уз ичиха олувчи ишларнинх йихиндисиха айтилади.

Махсулот сифатих**а** таосир этувчи омилларни тУрт тоифаха бУлиш мумкин: техникавий, ташкилий, иктисодий ва ижтимоий.

Махсулот сифатини ташкил топиши, унинх хамма хаётий боскичларида – тадкикот ва лойихалаш ишларида; ишлаб чикаришда; муомалада; истеомолда ёки ишлатишида намоён бУлади.

Сифатни хар томонлама Уз ичиха олувчи, унинх хамма томон-ларини таоминловчи хамда махсулотнинх барча хаётий боскичларини камраб олувчи фаолият **сифат тизимларини** билдиради. Сифатли иш маркетинх (савдо-сотик) сохасидан бошланиб, махсулотни ишлатилишидан хосил бУладихан чикиндилардан фойдаланиш боскичи билан якунланади.

Сифат тизимларида **махсулот сифатини бахолашнинх услубий асослариха**, айникса, махсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришда алохида талаб кУйилади:

- махсулотнинх истеомолдахи хамма хоссаларини комплекс тахлил ва холисона бахоланиши, хавфсизлилихи ва эколохиклилихи намоён бУлиш имконияти;

- келтирилхан бахоланишха асосланиб, истеxмолчи томонидан махсулотнинх ишлатишдахи ва эколохиклихидахи хавфдан хамда махсулот ва унинх сифатини нотУхри бахоланиш хавфидан ижтимоий химоя килишха замин яратиш.

Махсулот сифатининх даражасини бахолашда турли усуллардан фойдаланилади: Дифференциал, комплекс, аралашхан ва статистик.

**Дифференциал усул** деб, махсулотнинх сифатини бирхина кУрсаткичидан фойдаланишха асосланхан махсулот сифатини бахолаш усулиха айтилади.

**Комплекс усул** деб махсулот сифатини комплекс кУрсаткичларини кУлланишиха асосланхан махсулот сифатини бахолаш усулиха аталади.

**Аралашхан усулда** бир вактнинх ичида хам бирхина кУрсат-кичидан, хам комплекс кУрсаткичларидан фойдаланиб махсулотнинх сифати бахоланади.

**Статистик усул** билан махсулотнинх сифатини бахолашда математик статистика усулларидан фойдаланилади.

**Махсулот сифатини олдиндан айтиб бериш** деханда берилхан вактда ёки берилхан вакт оралихида эришилиши мумкин бУлхан махсулот сифати кУрсаткичларининх имконий кийматларини аникланиши тушунилади.

**Махсулот сифатини режалаштириш** деханда махсулотни чиказиш бУйича берилхан вакт ичида ёки берилхан вакт оралихида керакли сифат кУрсаткичларининх кийматлари билан асосланхан топширикни белхилаш тушунилади.

## 3. Махсулот сифатини бошкариш ва унинх усуллари

Махсулот сифатини бир меоёрда бУлишини таоминлашда махсулот сифатини бошкариш алохида Урин эхаллайди. Хар кандай бошкаришнинх мохияти бошкариш карорларини ишлаб чи-киш ва уни бошкарувчи обоектда Уз таосирини амалха ошириш кУзда тутилади.

**Махсулот сифатини бошкариш** деханда махсулотни яратишда унинх керакли сифатини таоминлаш ва меоёрида бУлиб туриш максадида амалха ошириладихан харакатлар тушунилади.

Махсулот сифати жараёнларнинх кандай ташкил этилханлихиха, уларни кандай меоёрда ишлашиха, назорат – Улчов асбобларининх накадар текис ишлашиха ва шу жараёнларда ишлаётхан ходимларнинх малакасиха сУзсиз бохликдир.

Бошкариш таосири бошкарилувчи жараёнларни амалдахи холатини саклаш ёки унха Узхартмалар кирхизишдан иборат.

**Махсулот сифатини бошкариш тизими** деханда бошкариш идоралари ва бошкарилувчи обоектларнинх махсулот сифати бош-каришида моддий техника ва ахборот воситалари ёрдамида Узаро бохланишнинх мажмуи тушунилади.

Шунинх учун бу тизим Узаро бохланхан махсулот сифатини бошкаришни таоминлайдихан ташкилий, техникавий, иктисодий ва ижтимоий тадбирларнинх йихиндиси сифатида кУзда тутилхан бУлмоклихи лозим. Бошкаришнинх асосий максади эса махсулот сифатини керакли даражаха эришилишини таоминлаш хисобланади.

Махсулот сифатини бошкариш Узида куйидахи бошкариш давринінх умумлашхан элементларини мужассамлаштиради: олдиндан айтиб бериш ва режалаштириш; ишларни ташкил килиш; Узаро мувофиклаштириш ва тартибха солиш; фаол харакатха келтириш ва рахбатлантириш; назорат, хисоб-китоб ва тахлил килиш.

Махсулот сифатини ошириш тизимидахи бошкариш жараёнлари 2 хурухха бУлинади:

1) ишлаб чикариш тизимини деярли юкори даражаха Утказиш;

2) ишлаб чикариш тизимидахи турхунликни ушлаб туриш ва Узлаштирилхан махсулот чикаришни режалаштирувчи сифат даражасида таоминлаш.

Махсулот сифатини бошкариш жараёни бошкаришнинх умумий назариясиха биноан куйидахи ишлардан ташкил топади:

- бошкариш режасини ишлаб чикиш;
- махсулот сифатини оширишни режалаштириш;
- махсулот сифатиха таосир этувчи хар кандай обоектнинх холати хакида ахборотлар олиш ва тахлил килиш;
- сифатни бошкариш бУйича карор кабул килиш ва обоектха тахсир этиш усулини тайёрлаш;
- таосир этадихан, бошкарувчи кУрсатмалар бериш;
- таосир этадихан, бошкарувчи кУрсатмалар бериш натижасида обоектдахи сифатнинх Узхариши хакидахи ахборотни олиш ва тахлил килиш.

Катта корхоналарда махсулот сифатини бошкариш сохасида автоматлаштирилхан тизимлар яратилхан. ЭХМ ёрдамида мехнат ва махсулот сифати хакидахи маолумотларха хамда меоёрий хужжатларнинх хисоб - китобиха, махсулот ишлаб чикаришдахи яроксизликни хисоб - китобиха ва тахлилиха, махсулотни ишлатилишидахи ва бошка боскичлардахи уни сифатини тахлилиха ишлов беради.

Махсулот ишлаб чикарилишида, айникса янхи махсулот билан бохлик бУлса, турли хил муаммолар пайдо бУлади, бу ва шунха Ухшаш муаммоларни тезкорлик билан хал килишда махсулот сифатини бошкариш тизимлари ва уни бошкарувчи идоралари хал килувчи вазифани бажаради.

Махсулот сифатини оширишда стандартлаштириш фаолиятнинх роли каттадир, чунки хар кандай технолохик жараёнларни бир меоёрда ишлаши, уларни хар бир боскичида меоёрий хужжатларнинх бажарилишиха канчалик риоя килиниши, жамоанинх мехнат ва технолохик интизоми хал килувчи ролр Уйнайди.

## 4. Эксперт – аудиторлар

Сертификатлаштириш билан бохлик бУлхан фаолиятда фаол катнашувчи шахс бу эксперт-аудитордир. У одатда Сифат тизимларини, ишлаб чикаришни ва махсулотни сертификатлаштиришда синов лабораторияларини аккредитлашда ва бошка ишларда катнашиши мумкин.

**Эксперт-аудитор** деб, сертификатлаштириш сохасида муассаса ва корхоналар фаолиятини бахолаш ва назорат килиш хукукиха эха бУлхан аттестатланхан шахсха айтилади.

Эксперт-аудитор сифатида «Уздавстандарт» томонидан белхиланхан тартибда аттестатланхан фан, саноат, маиший хизмат, институтлар ва бошка ташкилотларнинх вакиллари хам бУлиши мумкин.

Эксперт-аудитор куйидахи вазифаларни бажаради:

- махсулот, жараён, хизматларни, Сифат тизимларини ва ишлаб чикаришни сертификатлаштириш;
- сертификатлаштирилхан махсулот, жараён ва хизматларнинх тавсифларини хамда сертификатлаштирилхан Сифат тизимларини ва ишлаб чикаришнинх турхунлихини назорат килиш;
- сертификатлаштириш бУйича аккредитлаш идоралари, синов лабораторияларини (марказларини) ва уларнинх фаолиятини назорат килиш;
- сертификатлаштиришда тавсиялар бериш.

Эксперт-аудитор Уз фаолиятини сертификатлаштириш миллий идораси, бир турдахи махсулотни сертификатлаштириш идоралари, Сифат тизимларини ва ишлаб чикаришни сертификатлаштириш доирасида амалха оширади.

Эксперт-аудитор муайян талабларха жавоб бериши лозим:

- тУлик олий маолумотли ва сертификатлаштириш сохасида етарли билимха эха бУлиб, фаолияти сертификатлаштиришнинх маолум тури бУйича аттестатланхан бУлиши керак;
- олий Укув юртини тамомлахандан сУнх камида 5 йиллик амалий стажха эха бУлиши, шундан камида 3 йили стандартлаштириш, метролохия, синовлар, сифатни бошкариш ва таоминлаш сохаларида ишлахан бУлиши керак.

Эксперт-аудитор чукур билимли, тадбиркор бУлмохи лозим. У куйидахи сохалар бУйича билимларни мукаммал эхаллахан бУлиши шарт:

- Республика сертификатлаштириш миллий тизимининх коида ва тартиблари;
- сертификатлаштириш Утказиш бУйича билимлар ва меоёрий хужжатларни тушуниш;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бУйича асосий ишлар мазмуни;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бУйича иктисодий ва хукукий асослари;
- мамлакат ичидахи ва чет эллардахи сертификатлаштириш ва аккредитлаш тажрибаси;
- стандартлаштириш, метролохия ва Сифат тизимларининх асослари;
- текширув Утказиш ва сифатни бошкаришнинх статистик усуллари.

Эксперт-аудитор тахлил килиш, минтакавий асослаш, Узининх фикрини каттик ва асосланхан холда химоя килишлик, ижодий кобилиятха ва мураккаб вазиятда тУхри карор кабул килиш хусусиятлариха эха бУлиш ва ш.к. бошка фазилатларха эха бУлиши керак.

## Назорат саволлари

1. Махсулот сифати ва сифат кУрсаткичларини тушунтириб беринх.
2. Сифат тизимларини шархлаб беринх.
3. Махсулот сифатини даражасини бахолашда кандай усуллардан фойдаланилади?
4. Махсулот сифатини бошкариш тизими деханда нима тушунилади?
5. Махсулот сифатини бошкариш кандай умумлашхан элементларни мужассамлаштиради?
6. Бошкариш жараёни кандай хурухларха бУлинади?
7. Бошкариш жараёни кандай ишлардан ташкил топади?
8. Экспер - аудиторларнинх вазифалари нималардан иборат?
9. Эксперт - аудитор кандай талабларха жавоб бериши керак?
10. Эксперт - аудитор кандай сохалар бУйича мукаммал билимларха эха бУлиши керак?

## ФОЙДАЛАНИЛХАН АДАБИЁТЛАР

1. Метролохия тУхрисида Конун. Узбекистон Республикаси Конуни. 28 декабр, 1993 йил.
2. Стандартлаштириш тУхрисида Конун. Узбекистон Республикаси Конуни. 28 декабр, 1993 йил.
3. Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тУхрисида Конун. Узбекистон Республикаси Конуни. 28 декабр.1993 йил.
4. Улчашлар бирлихини таоминлаш давлат тизими. Метролохия. Атамалар ва таорифлар. УзРСТ 8.010-93.
5. Узбекистон Республикасининх стандартлаштириш давлат тизими. УзРСТ 1.0-92.
6. П.Р.Исматуллаев, З.Т.ТУхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метролохия ва сертификатлаштиришха мукаддима. Укув кУлланмаси. Тошкент, ТДТУ, 1995.
7. Б.Э.Мухамедов. Метролохия, технолохик параметрларни Улчаш усуллари ва асбоблари. ОУЮ талабалари учун Укув кУлланмаси. Тошкент.: Укитувчи, 1991.
8. Котур В.И. и др. Электрические измерения и электроизмери-телхнке приборк. – М.: Энерхоатомиздат, 1986.
9. Рудзит Я.А., Плуталов В.Н. Основк метролохии, точностх и надежностх в приборостроении: Учебное пособие. - М.: Машино-строение, 1991.
10. Ахроров Н. Улчовшунослик асослари ва электр Улчашларидан амалий ишлар: Укув кУлланма. – Т.: Узбекистон, 1994.

## 9-Мавзу: “Сертификация сифат кафолати”

**Режа.**

**1. Сертификациялаш концепцияси.**
**2. Узбекистон Республикаси миллий сертификациялаш системаси**
**3. Сертификакциялаш системасининг асосий хужжатлари.**

Ўзбекистон миллий сертификация тизими давлат микёсида амал киладиган сертификациялаш соҳасида уз тартиб ва бошкарув коидаларига эга булган тизим.

**Уздавстандартнинг функциялари.**

- сертификациялаштириш сохасида доимий сиёсатини амалга оширади;
- сертификациялаш юзасидан умумий коидаларни белгилайди. Улар тугрисида расмий ахборотлар бериб туради;
- сертификациялаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларини хамда уларни хукумат мухокамасига такдим этади;
- сертификациялаштиришнинг халкаро тизимларга кушилиши тугрисида карорлар кабул килади;
- сертификациялаш масалаларни буйича бошка давлатлар билан узаро муносабатларда ва халкаро ташкилотларда Узбекистон Республикаси номидан иш куради.
- мажбурий равишда сертификатланадиган махсулотлар руйхатини белгилайди;
- сертификациялаштириш органларининг ва синов лабораторияларини акредитация килади.
- акредитация килинган органлар ва синов лабораторияларини назорат килиш.

Махсулотларни сертификациялаш махсулотларнинг белгиланган талабларга мувофикланиши тасдикловчи фаолият.

Бир турдаги махсулотларнинг сертификациялаштириш тизими - Айни бир хил стандартлар ва коидалар кулланиладиган махсулотлар ишлар ва коидалар ёки хизматларга таллукли сертификацияларни тизими.

Синов лабораториясини аккредитацитя килиш. Синов лабораториясини махсулот синовини ёки муаян синов турини амалга оширишга доир ваколатларнинг расмий эътирофи.

Сертификациялаш тугрисидаги гувохнома сертификациялаш тизими коидаларига асосан такдим этилган хужжат.

Гувохнома давогарлари- сертификациялаш идорасига тегишли гувохнома олишга интилувчи шахс ёки идора.

**Мувофиқлик сертификати** - бу белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматнинг маълум стандартига ёки бошқа бир меъёрий хужжатга мос келишини етарли даражада баҳолай оладиган учинчи томндан қилинадиган тасдиқдир.

**Мувофиклик белгиси** - ушбу жараён ёки хизмат маълум анкетага ёки бошка меъёрий хужжатга мос келувчи ишонтирувчи сертификациялаштириш тизими коидалари асосида берилган ёки ишлайдиган ва маълум тартибда химоя килинадиган белги.

Халқаро стандартлаш ташкилоти ISO / МЕК деб юритилади. ISO - бу халқаро стандартлаш ташкилотидир (International Standardization Organization)/

**МЕК (IEG)** - Халқаро электротехника комитети (Международный Электротехнический Комитет). Барча электр маҳсулотлари учун меъёрий хужжатларга мос келишини нахорат қилади.

**ХСТ** 1947 йил ташкил этилган бўлиб 120та давлат аъзо. Ишчи органлари бош ассамблея, техник ьошкарув бюроси, маоказий секретарият ва консультатив комитетлар.

**КАСКО** - мувофикликни тасдиклаш буйича комитет. Комитет синов буйича кулланмаларини ишлаб чикариш миллий ва регионал мувофикликни тасдикловчи тузилмалар билан узаро тан олиб харакат килади.

**КОПОЛКОН** - истеъмолчилар сфераси сиёсати буйича комитет. Бу комитет вазифаси истеъмолчи ва уни таъминлаш билан боглик булган масалаларни урганади.

**ДЕВКО** - ривожланиб келаётган давлатлар муаммолари буйича комитет. Бунинг вазифаси ривожланаётган давлатларда стандартлар буйича талабни урганиб чора-тадбирлар тавсия этиб ёрдам курсатади.

**ИНФКО** - ахборот буйича комитет. XGT да ахборот билан таъминлаш буйича иш олиб боради.

**ISONET** - ахборот тизими. WWW.ISO - интернет адреси.

**ISO** ишчи расмий тили - инглиз, француз, рус тили.

Бундан ташқари би катор жаҳон стандартлаш ташкилотлари билан танишамиз.

**EN** - Европа нормаси.

**РСТ** - Россия стандарти.

**FN** - Француз нормаси.

**DIN** - Немис индустриал нормаси.

**ASTM** -АЈШ стандарти.

Европа стандартлаш ташкилоти **EN GEN \ GENELEG** - Европани нормаларини ишлаб чикишда сертификациялаш буйича Европа комитети. **ETSI** - сертификатлаш буйича Европа институти.

**CE** - Европа хамжамиятининг мувофиклик белгиси.

**Европа хамжамиятида мувофикликни бахолаш схемаси.**

- Конун.
- Деректива.
- Стандарт.
- Стандарт асосида мувофикликни бахолаш.

Европа хамжамиятида сифат буйича Европа ташкилоти - ЕОК. Сифатни бошкариш буйича Европа фонди ЕФУК Европа сифат платформасини ташкил этади. (ЕСП).

ЕОК + ЕФУК қ ЕСП.

**Франция FN.** Франция нормалари сертификация ташкилотлари учун асосий ташкилот хисобланиб, шу асосида назоратлар ўтказилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25-30%ти EN билан бахоланади.

**COSFRAK** - ташкилоти. Бу аккредитация буйича комитет. Давлат хисобидан маблаг билан таъминланади. Фаолияти мувофикликни Европа директивалари, Enга

мувофиклигини бахолаш ва сертификациялашда фойдаланишни назорат қилади. Ихтиёрий сертификация утказиш бўйича ҳам шуҚлланади.

**AFNOR** - ташкилоти. Стандартлаштириш буйича Француз ассоциясияси. Ташкилот вазифаси миллий стандартлаш ва сертификация билан шуҚулланади. Бозорда маҳсулот хавфсизлигини назорат килади. Францияда ихтиёрий сертификациялаштириш 70%ни ташкил килади.

**Буюк Британия BN. UKAS** - миллий стандартлаш уюшмаси.

**NAGGB** - сертификация буйича ташкилотларни акредитлаш миллий кенгаши. **BIG** - Британия стандартлаш институти.

**Германия DIN. DIN** - Немис индустриал нормалари. Бу ташкилот Германияда стандартлаш буйича асосий ташкилот ҳисоблаш маҳсулотлар учун меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг таъминоти билан шуҚулланади.

**SERTIKO** - сертификатлаш ва сертификациялаш ташкилотларини акредитация қилиш бўйича иш олиб боради ҳамда Германияда ЕС стандартлаш бўйича фаолият кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти даврида стандартлаштириш ва сертификациялаштириш маҳсулот сифатини ракобабардошлигини таъминлашда катта ахамиятга эга. Маҳсулот жараён ёки хизмат ракобатбардошлигини йўналишига ажратиш мумкин.

ˆ қайси бозорда қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни билиши керак;

ˆ самарадорлиги, фойдалилиги жихатдан мавжуд шу турдаги маҳсулотлар билан таккосланади;

ˆ фойдаланиш пайтида тежамкорлик ва маҳсулот бахоси билан боҚликлиги.

Шу учта берилган йўналишлар лойихалашда хисобга олинади ва маҳсулот ракобатбардошлигини бошқариш мумкин булади. Шу куйилган талабларнинг барчаси маҳсулотни лойихалаш ишлаб чиқариш ва фойдаланишда ягона коидага буйсунишини таказо килади. Бундай умумий коидаларни ишлаб чиқаришда давлат стандартлаш тизими бажаради.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаш бўйича асосий ташкилот давлат стандартлаш тизими (ДСТ) ҳисобланади ва вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаш, сертификациялаш ва метролия маркази юқори ташкилот ҳисобланади ва “Уздавстандарт” деб юритилади. ДСТ вазифаларидан бири махсулотлар ва хизматлар учун талабларни ишлаб чиқариш ва меъёрий хужжатлар билан таъминлашдир. Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишда сифат буйича илмий текшириш институти мавжуд.

**Меъёрий хужжат тоифалари.**

ˆ Халкаро стандартлар. ЎС ISO\ MEK.

ˆ Минтакавий стандартлар. ЕС.

ˆ Ўзбекистон Республикаси стандартлари. (ГОСТ) Ўз РСТ.

ˆ Тармок стандарти. ОСТ.

ˆ Техник шартлар. ТУ.

ˆ Корхона стандарти.

ˆ Бошка меъёрий хужжатлар.

**Меъёрий хужжат турлари.**

ˆ умумийлашган стандарт.

ˆ ташкилий услубият.

ˆ умумий техникавий.

ˆ махсулот учун стандартлар.
ˆ назорати усуллари учун стандартлар.
ˆ жараён, иш ва хизматлар учун стандартлар.

**Меъёрий хужжатларга талаблар.**

ˆ Махсулотнинг барча турлари, парметрлари хамда хусусиятлари назорат килиши ва назорат усулига мувофик булиши керак.
ˆ Конун томонидан урнатилган барча мажбурият талабалар катнашиши лозим.
ˆ Мажбурий талаблар таъкидлаб ажратиб курсатилиши керак.
ˆ Махсулот меъёрий хужжатида факат махсулотга булган талаб баён килинади. Технология курсатма бериш рухсат этилмайди.

**Назорат саволлари :**

1. Ўздавстандартнинг асосий функциялари нималардан иборат?
2. Мувофиқлик сертификати ва мувофиклик белгиси тушунчаларини иктисодий мохияти нимадан иборат?
3. Халкаро стандартлаш ташкилотларига нималар киради?
4. Меъерий хужжатларга нималар киради?
5. Меъерий хужжатларга кандай талаблар куйилади?

## 10-Мавзу: “Сертификациялаш ишларини амалга ошириш тартиби”.

**Режа:**

**1. Ишлаб чиқариш махсулотини сертификациялаш схемаси.**
**2. Сертификация бўйича органларни аккредитациялаш.**
**3. Махсулотни сертификациялашни ўтказиш тартиби.**

Сертификациялаштириш тартиби қўйидаги асосий тадбирлар амалга оширишдан иборат.

ˆ Сертификация утказиш учун карор ва ариза декларация бериш.
ˆ Сертификациялаштириладиган махсулотлардан тажрибалар утказиш учун намуналар олиш. Меъёрий хужжатлар буйича намуналар олиш ва миқдорини белгилаш.
ˆ Махсулот ёки ишлаб чикарилган сертификациялаштириш схемасини танлаш.
ˆ Олинган натижаларни тахлил килиб мувофиклик сертификатини бериш тугрисида карор кабул килиш.
ˆ Давлат стандарти руйхатидан махсулотни утказиб мувофиклик сертификатини бериш.
ˆ Халқаро сертификатларни ташкилотлари томонидан берилган мувофиклик сертификатларни тан олиш.
ˆ Сертификациядан утган махсулотни сифат курсатмаларини баркарорлигини назораткилиш.
ˆ Сертификация натижаларининг ахбороти.
ˆ Норозилликларни куриб чикиш.

Ўзбекистон Республикаси миллий сертификациялаш тизимида махсулотни сертификациядан утказиш тартиби ва коидалари.

Сертификация утказиш учун ана шу сертификациялашга тегишли ташкилотларга ариза декларация ва унга кушимча хужжатлар жунатилди. Кабул килган ташкилот хужжатларни бир ой давомида куриб чикиб сертификациялашга доир талабларни мос келиши тугрисида карор эълон килинади ва кайси тартибда утказиш ва ким томонидан утказиши белгилайди.

Курилиш индустрияси сохасида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси (кумита) ва курилиш кумитаси. Табий ресурслардан фойдаланишни, хамда атроф-мухитини мухофаза килиш буйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатнинг мухофаза килиш кумитаси. Тиббий максаддаги махсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар сохасида шунингдек импорт буйича республикага келириладиган махсулотларнинг Ўзбекистон Республикаси соҚликни саклаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу қонунга мувофик давлат бошқарув органлари уз ваколатлари доирасидан стандартлар ва техник шартларнинг, шунингдек ушбу қонунни кумиталашга доир йурикномалар ва изоклар ишлаб чиқарадилар, тасдиклайдилар, руйхатга оладилар ва нашр этадилар.

Хужалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига стандартлашга таалукли бошка қонун, хужатларига риоя этиш устидан давлат назоратининг давлат бошкарув ташкилотлари, шунингддек бошка махсус вакил килинган ташкилотлар уз ваколатлари даражасида амалга оширадилар.

Давлат бошкарув органларига, Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамаси қошидаги Уздавстандарт, ТТЛ, мухофаза килиш.

Хужалик фаолияти субъектлари-корхона, ташкилот, жисмоний шахслар.

Стандартларнинг назорат килиш буйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Давлат инспекторлари хукуклари - хужалик фаолиятя субъектининг хизмати ва ишлаб чикариш биноларига машинасиз кириш.

- хужалик фаолияти субъектидан давлат назоратининг учун керакли маълумот ва хужатларнинг олиш.

- давлат назоратини утказишда хужалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиши ва мутахассисларнинг жалб этиши.

- махсултлар текшириши учун олинган намуналар синов учун келтирилган харажатлар хужалик фаолияти субъектинининг хисобидан олинади.

- хужалик фаолияти субъекти текширувдан буйин тоблаганда махсулотнинг реализация килишни ман килиш.

1. Махсулотнинг барча турлари, параметрлари хамда хусусиятлари назорат килиши лозим ва назорат усулига мувофик булиши керак.

2. Јонун томонидан урнатилган барча мажбурият талабалар катнашиши лозим.

3. Мажбурий талаблар таъкидлаб ажратиб курсатилиши керак.

4. Махсулот меъёрий хужжатида факат махсулотга булган талаб баён килинади. Технологига курсатма бериш рухсат этилмайди.

Мажбурий талаблар - бу қонун томонидан урнатилган булиб, сузсиз бажарилишига ва давлат назорати ташкилотлари томонидан назорат килиниши керак.

1. Инсон хаёти, соҚлиги, мол-мулки учун махсулот хавфсизлиги.
2. Атроф-мухит химояси.
3. Ресурсларни саклаш.
4. Узаро алмашинувига мос келиши.
5. Назорат усулларининг ягона булиши.
6. Маркировка.

Махсулот турига караб, мажбурий талаблар кушилиши мумкин

Сертификациядан утиш учун ана шу сертификацияга тегишли ташкилотга ариза декларация ва унга кушимча хужжатлар жунатилади. Тегишли аризани кабул килган ташкилот бир ой давомида хужжатларни куриб чикиб, сертификациялашга оид талабларга мос келиши тугрисида карор эълон килинади, кайси тартибда утиш ва кимлар томонидан утиш белгиланади.

Танланган намуналар (миллий сертификация тизими) МСТ аккредитланган синов лабораторияларида синовлардан утди. Лозим булса, сертификациялаштириш ташкилоти тажрибалар утиш учун услубий курсатмалар ишлаб чикаришни ташкил этади. Ижобий натижалар олинганда синов баённомаси мазкур махсулотни сертификациялаш ташкилотига ва бир нусхасини ариза берувчига жунатади. Ишлаб чикариш ташкилоти томонидан махсултони таркиби, тартиби узгарса, зудлик билан ахборот бериши керак.

Кабул килинган сертификация системасига кура, сифат ёки ишлаб чикаришни сертификация килиш назарда тугилса, мувофиклик сертификати берилгунга кадар РД Уз 00036.95 /-004-92. РД - бошкарув хужжати БХ.асосида мувофиклик сертификати берилади.

Ишлаб чикаришни сертификатлаш РД Уз51-015-92 меъёрий хужжатларга мувофик утказилади.

Сертификацияланувчи махсулот тажриба баённомасини олгач, сифат системаси сертификатини расмийлаштиради.Давлат руйхатидан утишди ва эгасига топширилади. Бу сертификатнинг муддати мазкур махсулотга талаблар белгиланган меъёрий хужжатларнинг муддатига мос равишда белгиланади. Лекин муддат 3 йилдан ошмаслиги керак.

Махсулотнинг таркиби ёки ишлаб чикариш технологияси узларга унинг сифат кургазмаларига таъсир этса, у холда сертификациялаш ташкилотига зудлик билан ахборот бериши керак. Бу ташкилот уз навбатида тажриба воситаларига узгаришлар тавсия этади. Шунда хам талабларга мос келмаса, мувофиклик сертификатини тухтатилади.

**Мувофик белгиси** - махсулотнинг товар ёнига куйилади. Сертификатланган махсулотнинг сифат кургазмаларини баркарорлигини текширув назорати шу махсулотни ишлаб чикариш жараёнига сертификат берилган ташкилот томонидан махсус режа билан амалга оширилади. Керак булган холларда бетараф мутахассисларни текширув назоратига жалб этиш мумкин. Текширув назорати натижаларига кура сертификатлаш ташкилоти мувофиклик сертификати ёки мувофиклик белгисини куйидаги холларда бекор килиши ёки тухтатиб колиши мумкин.

- меъёрий техник хужжатлардаги талаблар узгарса;
- махсулотнинг таркиби ва тузилиши узгарса;
- ташкилот ёки ишлаб чикариш технологияси узгарса;
- сифатни таъминловчи система, технология, синаш услублари узгарса.

Текширув назорати томонидан аникланган камчилик, етишмовчиликларни бартараф килгунча кадар тадбирлар тузилиб, белгиси бериш тухтатилиб турилади.

Шу муддатда ахвол узгармаса, мувофиклик сертификати бекор килинади. Бундан ташкари, сертификат бериш ёки мувофиклик белгисини куйиши куйидаги холларда хам бекор килинади.

- махсулотда аникланган камчиликларни бартараф килиб булмаса;
- ишлаб чикарувчи узини молиявий мажбуриятларини бажармай куйса;
- ишлаб чикарувчи сертификатни вактинча тухтатиб куйгандан кейин чора-тадбирлар сертификатлаштирувчи муддатини узайтиргиси келмаса;
- махсулотни ишлаб чикаришни тухтатган булса.

Сертификатлаш ташкилоти бу хакда расмий ахборот беради ва мазкур махсулот ишлаб чикариш системасини давлат руйхатидан чикаради. Информатик таъминотни, сертификациялаш ташкилоти иштирокчилари билан хамкорликда амалга оширилади.

Уздавстандарт бир турли махсулот сертификатлаш ташкилотларини ва мувофиклик сертификатини берилган махсулотларини давлат руйхатидан утказади ва уларни матбуотда эълон килади. Суровчи ташкилот уз махсулотини реклама килиш хукукига эга. Миллий сертификация тизимида пайдо булган норозиликлар меъёрий хужжатларда курсатилган тартибда хал килинади.

Ишлаб чикарилаётган махсулотнинг сифати ва унинг баркарор булишига кафолат бериш максадида нафакат махсулотни сертификация килиш, балки ишлаб чикаришни ва сифат системаларини сертификациялаштришни амалга оширади. Сертификациялаштиришнинг бундай тури бошкариш системаларини сертификация килиш, бошкариш сифатини, ишлаб чикариш ва техник жараёнларни назорат килиш хисобига истеъмолчини сифатли махсулот билан таъминлашга кафолат беради.

**Сифат системасини ва ишлаб чиқаришни сертификациялаштиришнинг мақсади:**

- Ички бозорни тегишли сифат даражасида булган маҳсулот технологик жараён ёки хизматлар билан таъминлаш.
- Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини кенглаш, ташки бозорга сифатли маҳсулот бериш ва унинг сифат баркарорлигини таъминлаш, шуларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ва кафолат бериш.

Ишлаб чиқаришни сертификациялаштириш, бу сертификациялаштириш идораси ёки бошка махсус ваколатга эга булган идора томонидан маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур ва етарли шароитлар мавжудлигини, унга тегишли булган меъёрий хужжатларда берилган талабларнинг баркарорлигини ва сертификациялашда назорат остига олинишини таъминлашнинг расмий тасдиқдир.

Сифат системаларини сертификациялаштриш, бу сифат тизимларининг халқаро ёки миллий стандарт талабларига мувофик келишини текшириш, баҳолаш ва сертификат бериш орқали тасдиклаш фаолиятидир.

Ишлаб чиқариш ва сифат системаларини текшириш ва баҳолаш объектлари куйидагилар булиши мумкин:

- сифатни яхшилаш ва бошқариш фаолияти;
- ишлаб чиқариш система тизими;
- маҳсулотнинг сифати.

Маҳсулотнинг сифати куйидаги ахборот манбаларига асосланиб бахоланади.

- тайёр махсулотнинг топширилаётгандаги сифат
  кургазмалари;
- истеъмолчи томонидан сифатни текширган турли ташкилотлар томонидан берилган маҳсулотнинг сифат тўҚрисидаги баённомаси; (синов лабораториялари)

Ишлаб чиқариш ва сифат системаларини сертификатлашда маҳсулот сифатини текшириш ва уларни тахлил килиш учун олдиндан режалаштрилган синовлар утказиш учун махсус лабораториялар булиши шарт эмас. Маҳсулотнинг сифатини тизимларини сертификатлаш 9000 серияли ИСО ХС лари буйича танланган модел талабаларига мувофик боскичма-боскич амалга оширилади ва баҳоланади.

**Назорат саволлари :**

1. Сертификациялаш тартиби кандай амалга оширилади?
2. Давлат инспекторларининг хукуклари нималардан иборат?
3. Кандай холларда мувофиклик сертификати еки мувофиклик белгиси бекор килинади?
4. Сифат системаларини сертификациялаш боскичлари нималардан иборат?
5. Стандартлаштиришда ИСО сериясидаги халкаро стандартларни куланилиши.

## 11 - Мавзу: “Сифатни таъминлаш ва административ бошқариш соҳасидаги ҳалкаро стандартлар”.

**Режа.**

**1. Сифат системаси ва унинг ташкилотдаги жараенлар билан боқлиқлиги.**
**2. Сифат системасида қўлланиладиган холатлар.**
**3. Сифат системасининг моделлари.**

Сифат системаси яратилиши цикли асосан учта босқичдан иборат бўлиб қўидагиларни ўз ичига олади.

ˆ Сифатни таъминлаш;
ˆ Сифатни бошқариш;
ˆ Сифатни яхшилаш.

Сифатли маҳсулот цикли назарда тутган хар бир босқич тадбирлари системани бажариш максадида режаланган тадбирлар мажмуасини амалга оширишдан иборат.

Сифатни бошқариш кундалик тахлили ва услубларини бирлаштириш, одатда ёпик бошли схемасида, яъни сифат назорати хисоби, тахлили карор килиши ва уни бажаришдан иборат.

Сифатни яхшилаш. Маҳсулотни техник жихатдан ишлаб чиқариш жараёни, синаш услуби ва воситалари элементларини савиясини ошириш. Тукимачилик ва енгил саноат корхоналарида маҳсулот сифатли булишида ва унинг баркарорлигини таъминлашда технологияни такомиллаштириш, замонавий ускуналар ва хом-ашёдан, бор ресурслардан тўла ва тўҚри окилона фойдаланиш оркали қабул қилинган сифат системаси танланган.

Сертификатлаштириш схемаси (система) - мувофикликни сертификатлашни утказишда учинчи томон фаолитининг таркиби ва кетма-кетлиги.

1980 йилда халқаро сертификатлаш кумитаси ИСО (сертико) томонидан ишлаб чиқилган ва “Сертификация принципы, практика” номли расмий хужжатда сертификатлаштириш схемалари турлари келтирилган.

Сертификатлаш схемаларини танлаш ва унда назарда тутилган талабларни тўҚри бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ёки хизмат турларини амалга оширилишига кафолат бериши лозим.

**Умумий холда сертификациялаштириш 3 та асосий гуруҳ тадбирларини:**

- Маҳсулотни лаборатория синовидан ўтказиш;
- Ишлаб чиқариш ёки сифат системаларини дастлабки текширувдан утказиш;
- Ишлаб чиқариш ёки сифат системаларини кейинчалик текширув назоратидан ўтказишни амалга оширишни назарда тутади.

Куйидаги турли сертификатлаштириш схемаларида умумлашган тадбирлар мавжуд булади.

Типли синовлар факат айни вактда ишлаб чиқаришган маълум маҳсулот тўҚрисида маълумот беради, лекин маҳсулот сифатининг баркарорлигига кафолат бермайди. Аммо барча сифат системаларининг асоси хисобланади.

Бахолаш - мувофиклик сертификати берилгандан кейин сифат системаси текширув назорати.

Текшириш. Назоратлаш.

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш фаолиятини текширув назорати. Ажратилган намуналарни томонларга боҚлик булмаган(лиги) синов лабораторияда синовдан утиш йули амалга оширилади.

Куйидагилар сертификатлаштириш ташкилотлари булиши мумкин:

- Ишлаб чиқариш уюшмалари.
- Асосий истеъмолчи ёки истеъмолчилар гурухи.
- Йирик савдо ташкилотлари.
- Йирик савдо ташкилотлари станцияси буйича миллий ташкилот.
- Хусусий ташкилотлар.
- Корхона ёки махсус синаш лабораториялари.
- Синов жихозларини текшириб турувчи матерологик хизмат.

Ўз.РСТ.5.2. - 93 жорий этилган. Бу стандарт сертификатлаштириш идорасига Ўзбекистон Республикасининг миллий тизимининг ваколат идорасига зарур булган

талабларни белгилайди. Бу стандарт халқаро ИСО 8402 стандартига мувофик келади.

**Сертификатлаштириш ташкилотига куйилган талабалар:**

- Сертификатлаштириш ташкилоти мустакил булиши керак.
- Сертификатлаш масалаларининг аник бажарилишини таъминловчи ташкилий тизим.
- Сертификатлаштиришни утишга мувофик келувчи сифат тизими, махсулот ва синаш усуллари учун меъёрий ва техникавий хужжатларга мавжуд булиши керак.
- Сертификация утиш хукукига эга булган акредитланган синов лабораторияси булиши керак.
- Махсус тайёргарлик ва аттестациядан утган малакали ходимлар булиши керак.

Сертификатлаштириш миллий идораси Ўзбекистон Ўздавстандарт талабига биноан чертификатлаш сохасидаги зарур хизматларни тегишли савияда намойиш эта билиши кобилияти.

**Идора мусткиллигини таъминловчи зарурий шартлар:**

- маъмурий мустакиллик;
- иқтисодий ва юридик жихатдан мустакил.

**Куйидагилар булмаслиги керак:**

- сертификатлашган маҳсулотни етказиб берувчилар ёки приллатувчилар билан ижобий манфаатдорлик;
- сертификатлашган махсулотларни ишлаб чикаришда ёки лойихалашда хужалик фаолияти.

**Сертификатлаштириш идорасининг сифат тизими булган талабалар:**

-сертификациялаш идораси хакида низом;
-сифат буйча курсатмалар;
-ходимларни укитиш ва аттестациялаш;
-махсулот сифати ишлаб чикариш тизимининг тартиби;
-хар бир ходимлар учун йурикнома;
-махсулотнинг тизимларини сертификатлаш учун экспорт аудиторлар руйхати;
-мувофиклик сертификатларини руйхатга олиш учун сертификатлаш натижаларини расмийлаштириш тартиби;
-сертификациялаштириш идораси ўз фаолиятини ўзи бахолаш тартиби;
-сертификатлаштириш хужжатларини хисобга олиш ва саклаш тартиби.

**Узини-узи бахолашда тахлил килинадиган объектлар:**

а) сертификатлаш идорасининг амалий фаолияти кабул килинган сифат системаларига мос келиши;
б) сертификатлаштириш учун кабул килинган тартиблар;
в) сертификатлаштириш натижалари хакидаги хисоботлар тўҚрисидаги маълумотлар;
г) ходимлар малакаси тўҚрисида хисоботлар;
д) сертификатлаштириш идорасининг фаолиятни сертификатлаш буйича миллий ташкилот томонидан текширув назорат хакида хулоса.

Сертификатлаштириш идорасининг тузилиши ва вазифалари.

Сертификатлаш идорасининг ташкилий тизими тегишли вазифалари бажарилишини таъминлаш керак. Сертификатлаш идораси ташкилий тизимини ишчиларни уз ичига олади:

Бошкарув кенгаши.

Ижро этувчи булинмалар.

Эксперт аудиторлар гурухи.

**Бошкарув кенгаши ишчиларга маъсул.**

-сертификатлаш идорасининг фаолиятини белгиловчи
сиёсатини ишлаб чиқариш;

-ишлаб чиқилган сиёсатни олиб бориш буйича назорат килиш;

-сертификатлаш идорасининг молиявий фаолиятини назорат килиш;

-зурурат булганда махсулотнинг сифат ёки ишлаб чиқариш тизимларини сертификатлаш тизимида аник соха буйича фаолият курсатувчи булинмаларини тузиш;

- сертификатлаш буйича миллий мулокотда булиши;

- ижро этувчи булинмалар фаолиятини назорат этиш.

Сертификатлаштириш идораси махсулотлар жараёнлар ёки хизматлар сифат тизимлари ва ишлаб чиқариш буйича меъёрий тупламларга тўлик эга булиши керак. Яъни халқаро, давлатлараро Ўзбекистон Республикаси Кенгашининг Давлат ва чет эл мамлакатларининг миллий махсулотларга булган меъёрий талаблар, синов натижалари ва экспертизиянинг булиши керак:

**Сертификатлаш идорасини аккредитлаш қуйидаги босқичлардан иборат:**

-хужжатларни такдим этиш ва текшириш;

-аккредитлаш ташкилотларини текшириш комиссиясини тузиш;

-аккредитланаётган ташкилоти аттестация килиш;

-аттестация натижаларини куриб чикиш;

-карор кабул килиш;

-руйхатдан утиш;

-аккредитлаш шаходатномасини бериш.

Аккредитлашга давогар ташкилот сертификатлаш ташкилотига кабул учун суровнома йуллайди. **Сертификатлаш миллий идораси ташкил килади ва куйидаги боскичларни кузда тутади:**

-хужжатларни такдим этиш ва экспертиза килиш;

- ижобий булганда миллий идора суровчи ташкилотининг аттестация ишларини утиш лойихасини шартномасини йуллайди.

Шартномани имзолашда муддатлар белгилайди. Шартнома имзоланган сунг миллий идора комиссия тузади. **Комиссиянинг таркиби куйидагича:**

-тизим эксперт айдиторлари;

-Уздавстандарт вакиллари;

-зарур булганда миллий текшириш ташкилотлари;

-ишлаб чикарувчилар;

-истеъмолчилар исботи;

-табиатни мухофаза килиш давлат кумитаси;

- Республика согликни саклаш вазирлиги ва бошка
манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари.

**Сертификатлаш идораларини аттестациялаш.**

Аттестациялаш натижалари ижобий булса,сертификатлаш хакидаги низом тасдикланади. Лицензион келишув имзоланади. Аккредитлаш шаходатномаси расмийлаштирилади, руйхатга олинади, кайта руйхатга олинади**.** Шаходатноманинг таъсир муддати 3 йил.

**Сертификациялашнинг меъёрий таъминоти. Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш системаси.**

Бозор иктисодиёти даврида стандартлаштириш ва сертификациялаштириш махсулот сифатини ракобатбардошлилигини таъминлашда катта ахамиятга эга. Махсулот жараён ёки хизмат ракобатбардошлилигини йуналишга ажратиш мумкин.

- қайси бозорда іандай махсулот ишлаб чикаришни билиш керак;
- самарадорлиги, фойдалилиги жихатидан мавжуд шу турдаги махсулотлар билан таккосланади;
- фойдаланиш пайтида тежамкорлик ва махсулот бахоси билан богликлиги.

Шу учта берилган йґналишлар лойихалашда хисобга олинади ва махсулот ракобатбардошлилигини бошкариш мумкин булади. Шу куйилган талабларнинг барчаси махсулотни лойихалаш ишлаб чикариш ва фойдаланишда ягона коидага буйсунишини таказо килади. Бундай умумий коидаларни ишлаб чикаришда давлат стандартлаш тизими бажаради.

¤збекистон Республикасида стандарлаш бгйича асосий ташкилот давлат стандартлаш тизими (ДСТ) µисобланади ва вазирлар маµкамаси µузуридвги стандартлаш, сертификациялаш ва метролия маркази юіори ташкилот µисобланади ва «Уздавстандарт» деб юритилади. ДСТ вазифаларидан бири махсулотлар ва хизматлар учун талабларни ишлаб чиіариш ва меъёрий хужжатлар билан таъминлашдир. Меъёрий хужжатларни ишлаб чиіишда сифат бгйича илмий текшириш институти мавжуд.

Меъёрий хужжат тоифалари.

- Халкаро стандартлар. ҐС ISO/МЕК
- Минтакавий стандартлар. ЕС.
- Узбекистон Республикаси стандартлари.(ГОСТ) ¤з РСТ.
- Тармок стандарти. ОСТ.
- Техник шартлар. ТУ.
- Корхона стандарти.
- Бошка меъёрий хужжатлар.

Меъёрий хужжат турлари.

- умумийлашган стандарт.
- ташкилий услубият.
- умумий техникавий.
- махсулот учун стандартлар.
- назорати усуллари учун стандартлар.
- жараён, иш ва хизматлар учун стандартлар.

Меъёрий хужжатларга талаблар.

- Махсулотнинг барча турлари, параметрлари хамда хусусиятлари назорат килиши лозим ва назорат усулига мувофик булиши керак.

- Конун томонидан урнатилган барча мажбурият талабалар катнашиши лозим.
- Мажбурий талаблар таъкидлаб ажратиб курсатилиши керак.
- Махсулот меъёрий хужжатида факат махсулотга булган талаб баён килинади. Технологияга курсатма бериш рухсат этилмайди.

**Назорат саволлари :**

1. Сифат системаси яратилиш циклининг асосий боскичлари нималардан иборат?
2. Махсулотни лаборатория синовидан утказиш деганда нима тушунилади?
3. Сертификатлаш ташкилотларга куйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
4. Сифат системасининг асосий моделларига нималар мисол бўла олади?
5. Сифатни таъминлашда хужжатлаштиришнинг ахамияти нимадан иборат?

## 12-Мавзу: Махсулотнинг ракобатбардошлигини ва сифатни таъминлашни ташкил этиш.

**Режа.**

**1. ИСО 9000 сериясидаги стандартларига кўра сифатни таъминлаш системасининг асосий вазифалари.**
**2. Махсулотнинг ракобатбардошлигини таъминлашда сертификатциялашнинг аҳамияти.**
**3. Сифатни таъминлашда сертификациялаш комитетларининг асосий вазифалари**.

Республикамиз корхоналарининг юқори сифатли товарларга тўлиқ халқаро дунё бозорига кириб бориши фақатгина рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билангина эмас, балки бир қатор мураккаб тўсиқларни енгиб ўтиш билан ҳам боҚлиқдир. Шундай тўсиқлардан бири корхонани истеъмолчилар талабларини қондира оладиган ишончли партнёр сифатида танитиш масаласидир. Корхонани танитувчи асосий омиллардан бири - бу маҳсулот сифати системаларини сертификатидир.

Ўозирги кунда чет эл савдо амалиёти борган сари маҳсулот сертификациясига ва сифат системаларига асосланмоқда. Чунки бу савдо келишувлари ва шартномаларини тузишнинг асосий шартидир.

Биринчидан, бу шарт хавфсиз, экологик тоза маҳсулотни харид қилиш билан боҚлиқдир.

Иккинчидан, харидор узоқ муддат давомида катта партиялардаги маҳсулотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишни ҳоҳлайди.

Учинчидан, кўрсатилган сертификатларнинг бўлиши бу маҳсулотларни сотиш соҳасини имкониятларини кенгайтиради.

Сифат сертификатлари - фирмани реклама қилишнинг эег яхши омилидир. Сертификат ишлаб чиқарган маҳсулотга истеъмолчининг ишончини таъминлайди. Шу билан бирга сифат системалирини тадбиқ этиш корхонада сифатсиз, яроқсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан боҚлиқ бўлган сарф-харажатларнинг анча қисқаришига олиб келади.

1993 йил июлидан бошлаб мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси миллий сертификациялаш системаси жорий этилди.

Миллий сертификациялаш системасини тузишдан ва жорий этишдан асосий мақсад - мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва халқаро савдо самарадорлигини оширишдир. Бу вазифа сертификациялаш объектининг норматив-услубий ҳужжатларга мос келишини объектив баҳолаш ва шунинг асосида тегишли сертификат ва аттестатларнинг берилиши орқали амалга оширилади.

Сертификат системасининг объектлари қуйидагилардан иборат:
- маҳсулот, жараёнлар, хизматлар;
- ишлаб чиқариш, сифат системалари;
- текширув марказлари, лабораториялари;
- экспертлар.

Сертификациялаш Давлат системаси ИСО, ИСО/МЭК қонун-қоидалари, шу билан бирга EN4500 сериясидаги европа стандартларига асосланиб амалга оширилади.

Сертификациялашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
- интеграция - сертификациялашнинг бошқа системаларини қўшиб тадбиқ этиш принципи;
- сертификат системасидаги ихтиёрий юридий шахснинг, унинг барча иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли бўлиш принципи;
- сертификат системасини ривожлантириш принципи.

Сертификат системаси қуйидаги функцияларнинг бажарилишини таъминлайди:
- сифат системаларини ва маҳсулотни сертификациялаш;
- сифат системаларини сертификациялаш ташкилотлари ҳамда маҳсулотни сертификациялаш ташкилотларини аккредитациялаш;
- синов лабораторияларини аккредитациялаш;
- экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишга тайёрлашда иштирок этиш;
- сифат, назорат қилиш ва сертификациялаш соҳаси мутахассисларининг малакасини оширишда иштирок этиш;
- корхоналарни сифат системаларини сертификациялашга тайёрлашда, шунингдек лабораторияларни аккредитациялашда услубий хизматлар ва маслаҳатлар бериш;
- информацион хизматни таъминлаш;
- синов натижалари, сертификатлар, аттестатлар ва мос келиш белгиларининг биргаликда тан олинишини таъминлаш;
- сертификат системаси чегарасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш;
- сертификат бўйича миллий ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги фаолияти.

Давлат сертификат системасининг ташкилий структурасига қуйидагилар киради:
- сертификат бўйича бошқарув комитети;
- маҳсулот турларини сертификат техникавий комитетлари;
- сертификат ташкилотлари;
- синов лабораториялари, марказларини аккредитациялаш;
- аттестатдан ўтган экспертлар;
- сертификат системаси хизматларидан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотлар.

Ишлаб чикарилаётган махсулотнинг сифати ва унинг баркарор булишига кафолат бериш максадида нафакат махсулотни сертификация килиш, балки ишлаб

чикаришни ва сифат системаларини сертификациялаштиришни амалга оширади. Сертификациялаштиришнинг бундай тури бошкариш системаларини сертификация килиш, бошкариш сифатини, ишлаб чикариш ва техник жараёнларни назорат килиш хисобига истеъмолчини сифатли махсулот билан таъминлашга кафолат беради.

Сифат системасини ва ишлаб чикаришни сертификатлаштиришнинг максади:

- Ички бозорни тегишли сифат даражасида булган махсулот технологик жараён ёки хизматлар билан таъминлаш.
- Узбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини кенглаш, ташки бозорга сифатли махсулот бериш ва унинг сифат баркарорлигини таъминлаш, шуларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ва кафолат бериш.

Ишлаб чикаришни сертификациялаштириш, бу сертификациялаштириш идораси ёки бошка махсус ваколатга эга булган идора томонидан маълум махсулотни ишлаб чикариш учун зарур ва етарли шароитлар мавжудлигини, унга тегишли булган меъёрий хужжатларда берилган талабларнинг баркарорлигини ва сертификациялашда назорат остига олинишини таъминлашнинг расмий тасдикдир.

Сифат системаларини сертификациялаштириш, бу сифат тизимларининг халкаро ёки миллий стандарт талабларига мувофик келишини текшириш, бахолаш ва сертификат бериш оркали тасдиклаш фаолиятидир.

Ишлаб чикариш ва сифат системаларини текшириш ва бахолаш объектлари куйидагилар булиши мумкин:

- сифатни яхшилаш ва бошкариш фаолияти;
- ишлаб чикариш система тизими;
- махсулотнинг сифати.

Махсулотнинг сифати куйидаги ахборот манбаларига асосланиб бахоланади.

- тайёр махсулотнинг топширилаётгандаги сифат кургазмалари;
- истеъмолчи томонидан сифатни текширган турли ташкилотлар томонидан берилган махсулотнинг сифат тугрисидаги баённомаси;(синов лабараториялари)

Ишлаб чикариш ва сифат системаларини сертификатлашда махсулот сифатини текшириш ва уларни тахлил килиш учун олдиндан режалаштирилган синовлар утказиш учун махсус лабораториялар булиши шарт эмас. Махсулотнинг сифатини таъминлаш ва уни, бошкариш буйича корхонанинг фаолияти хамда сифат тизимларини сертификатлаш 9000 серияли ИСО ХС лари буйича танланган модел талабларига мувофик боскичма-боскич амалга оширилади ва бахоланади.

9001 серияли ИСО ХС сифат системаси. Махсулот сифатини уни лойихалашда ишлаб чикишда монтаж ва ишлатилиши пайтида таъминлаш модели.

9002 серияли ИСО ХС сифат системаси. Махсулот сифатини уни ишлаб чикариш ва монтаж пайтида таъминлаш модели.

9003 серияли ИСО ХС сифат системаси. Махсулот сифатини якуний назорат ва синов пайтида таъминлаш модели. Танланган сифат системаси махсулотни тулик боскичларини уз ичига олиши керак.

9004 серияли ИСО ХС системага мувофик яратилиш цикли куйидаги боскичлардан иборат:

- Бозорни урганиш, кидириш ва маркетинг.
- Техник талабларни лойихалаш ва ишлаб чикиш.
- Махсулот яратиш.
- Моддий техника томондан тайёрлаш.

- Ишлаб чикариш жараёнларини тайёрлаш.
- Ишлаб чикариш.
- Махсулотни тахлаш ва саклаш.
- Сотиш ва таркатиш.
- Синовлар утказиш.
- Монтаж ва фойдаланиш.
- Техник ёрдам ва таъмирлаш.
- Ишлатилиб булгандан кейин фойдаланиш.

Сертификатлаштириш тартиби куйидаги асосий тадбирлар амалга оширишдан иборат.

- Сертификация утказиш учун карор ва ариза декларация бериш.
- Сертификациялаштириладиган махсулотлардан тажрибалар утказиш учун намуналар олиш. Меъёрий хужжатлар бўйича намуналар олиш ва микдорини белгилаш.
- Махсулот ёки ишлаб чикарилган сертификатлаштириш схемасини танлаш.
- Олинган натижаларни тахлил килиб мувофиклик сертификатини бериш тугрисида карор кабул килиш.
- Давлат стандарти руйхатидан махсулотни утказиб мувофиклик сертификатини бериш.
- Халкаро сертификатлари ташкилотлари томонидан берилган мувофиклик сертификатларини тан олиш.
- Сертификациядан утган махсулотни сифат курсатмаларини баркарорлигини назорат килиш.
- Сертификация натижаларининг ахбороти.
- Норозиликларни куриб чикиш.

Узбекистон Республикаси миллий сертификатциялаш тизимида махсулотни сертификациядан утказиш тартиби ва коидалари.

Сертификация утказиш учун ана шу сертификациялашга тегишли ташкилотларга ариза декларация ва унга кушимча хужжатлар жунатилади. Кабул килган ташкилот хужжатларни бир ой давомида куриб чикиб сертификациялашга доир талабларни мос келиши тугрисида карор эълон килинади ва кайси тартибда утказиш ва ким томонидан утказишни белгилайди.

Курилиш индустрияси сохасида Узбекистон Республикаси Давлат архитектураси (кумита) ва курилиш кумитаси. Табий ресурслардан фойдаланишни, хамда атроф-мухитни мухофаза килиш буйинча Узбекистон Республикаси Давлат табиатнинг мухофаза килиш кумитаси. Тиббий максаддаги махсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар сохасида шунингдек импорт буйинча республикага келтириладиган максулотларнинг Узбекистон Республикаси согликни саклаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу конунга мувофик давлат бошкарув органлари уз ваколатлари доирасидан стандартлар ва техник шартларнинг, шунингдек ушбу конунни кумиталашга доир йурикномалар ва изоклар ишлаб чикарадилар, тасдиклайдилар, руйхатга оладилар ва нашр этадилар.

Хужалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига стандартлашга таалукли бошка конун, хужатларига риоя этиш устидан давлат

назоратининг давлат бошкарув ташкилотлари, шунингдек бошка махсус вакил килинган ташкилотлар уз ваколатлари даражасида амалга оширадилар.

Давлат бошкарув органларига, ¤збекистон Республикаси вазирлар махкамаси іошидаги Уздавстандарт, ТТЛ мухофаза килиш.

Хужалик фаолияти субъектлари-корхона, ташкилот, жисмоний шахслар.

Стандартларнинг назорат килиш буйинча давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Давлат инспекторлари хукуклари –хужалик фаолияти субъектининг хизмати ва ишлаб чикариш биноларига машинасиз кириш.

-хужалик фаолияти субектидан давлат назоратининг утиш учун керакли маълумот ва хужатларнинг олиш.

-давлат назоратини утказишда хужалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиши ва мутахассисларнинг жалб этиши .

-махсулотлар текшириши учун олинган намуналар синов учун келтирилган харажатлар хужалик фаолияти субъектинининг хисобидан олинади.

-хужалик фаолияти субъекти текширувдан буйин тоблаганда махсулотнинг реализация килишни ман килиш.

1. Махсулотнинг барча турлари, параметрлари хамда хусусиятлари назорат килиши лозим ва назорат усулига мувофик булиши керак.
2. Конун томонидан урнатилган барча мажбурият талабалар катнашиши лозим.
3. Мажбурий талаблар таъкидлаб ажратиб курсатилиши керак.
4. Махсулот меъёрий хужжатида факат махсулотга булган талаб баён килинади. Технологияга курсатма бериш рухсат этилмайди.

**Мажбурий талаблар** – бу конун томонидан урнатилган булиб, сузсиз бажарилишига ва давлат назорати ташкилотлари томонидан назорат килиниши керак.

1. Инсон хаёти, соглиги, мол-мулки учун махсулот хавфсизлиги.
2. Атроф-мухит химояси.
3. Ресурсларни саклаш.
4. Узаро алмашинувига мос келиши.
5. Назорат усулларининг ягона булиши.
6. Маркировка.

Махсулот турига караб, мажбурий талаблар кушилиши мумкин.

**Назорат саволлари :**

1. Махсулот сифатини сертификациялаш давлат системасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Сертификациялаш системасининг объектлари.
3. Сертификациялаш системасининг ташкилий стуктурасига нималар киради?
4. Сертификациялаш буйича бошарув комететининг асосий функиялари нималардан иборат?

## 13-Мавзу: “Ишлаб чиқариш системаларининг ракобатбардошлиги”

**Режа:**

1. **Сифатни таъминлашда ташкилотларнинг мажбуриятлари ва асосий вазифалари.**

**2. Сифат системаси ва унинг ташкилий жараенлар билан боқлиқлиги**

**3. Сифатни таъминлашнинг асосий концепциялари.**

Саноат, савдо еки давлат ташкилотлари халк истеъмоли талабларини кондира оладиган махсулотлари етказиб берадилар. Жахон бозори микесидаги ракобат махсулот сифатига нисбатан булган талабларни кучайтирлимокда. Уз ташкилотларининг иктисодий мавкеини саклаш хамда ракобатбардош булиш учун таъминотчилар янада самарадорлиги ва рентабеллиги системалари куллашлари лозим. Бундай системалар махсулот сифатини доимий ошириб боришга, истеъмолчиларнинг талабининг янада тулароқ кондиришга каратиладилар. Истеъмолчиларнинг талаблари купинча техник шароитларга киради, лекин техник шароитлари таъминот системасида камчиликлар булади.

ИСО 9000 сериядаги халкаро стандартлар ишлаб чикариш, иктисодий сохасида кенг кулланадиган сифат системалари унинг стандартлари жорий этишга асос бўлди.

Сифатни административ бошқариш асосий вазифаларга сифатни доимий ошириб бориш максадида жараен ва систенмалари такомиллаштириш

ИСО 9000 сериядаги халкаро стандартлари сифати административ бошкариш ва сифати таъминлашда умумий шароитлари бошкариш таъминлайди. Бу стандартлар сифат системасига кандай элементларини сифат системасига кандай элементларини киритилиши лозимлигини кўрсатади. Ягона сифат системаларининг жорий этилиши бу стандартлар жорий этишни энг асосий мақсад эмасдир.

Сифат ва жараенлар, ташкилотлар махсулот ва жараенлар, ташкилотларни махсус услублари, махсус максадлар ва вазифатлар албатта таъсир курсатади.

Хар бир ташкилот :

1. Махсулот сифатига нисбий куйим шартлари таъминлаш максадида маҳсулот сифатини такомиллаштириш сифатларини яхилашга эришиш ва таъминлаш.
2. Ўз ишчиларни сифатининг яхшилаш (барча истеъмолчилар ва манфаатдор шахслари талабаларининг кондириш максадида)
3. Бошкарув маъмуриятини ва бошқа хизматчиларни махсулот сифатига бошқа хизматчиларни махсулот сифатига нисбий шароитларни бажарилаетни ва сифатни яхшиланиб борилаетган ишончи таъминлаш.
4. Истеъмолчилар ва бошка манфаатдор махсулотни махсулот сифатига нисбий куйиш шартлари бажарилаетгани ва бажарилишига ишончини таъминлаш.

*Махсулот сифати аспектлари*

Халкаро стандартлари махсулот сифатининг куйидаги 4 аспектини фарқ қилади :

1. Истеъмочиларнинг эҳтиёжларига қараб маҳсулот сифати.

1-аспект - махсулот бозор имкониятлари ва шартларига жавоб бериши максадида модернизациялаш кайта ишлаб бериш сифати

2 - аспект - мохиятга бозорга имкониятлари ва шартларга жавоб бериш. Хамда махсулотни истеъмолчилари ва бошка манфаатдор шахсларига истеъмол кийматига эга булиш хосса-хусусиятларининг берилиш сифати.

Бундан ташкари конструкциясига кура сифати - бу конструкцияларининг махсулотлари ишлаб чикаришни узгарувчан шароитларида ва кулланишда махсулот ишлатилишнинг узлуксизсизлигини хусусиятидир.

3. Констукцияга мос келишга кура сифати.

3-аспект - доимий равишда конструкцияга мос келишини саклаб туриши лойихада курсатиш сифат белгирига мос келиши хисобига истеъмоллчилар ва бошка шахслар учун истеъмол кийматига эга булишидир.

4. Махсулот техник хизмат курсатишга кура сифати.

4-аспект - масулотнинг хизмат курсатиш муддати давомида уз истеъмол кийматини йукотилмаслиги хисобига истеъмолчилар ва бошка кизикувчи шахси учун истеъмол кийматига эга булиши.

ИСО 9000 сериясидаги халкаро стандартларнинг асосий максади махсулот сифатининг юқорида санаб утиши 4 та аспекти шароитлари берилган.

Тайер махсулотга тегили мулохазалар куриб чикишда халкаро стандарт таъминотчиликни ташкилотни бошкариш системасилари 1 катор омилларига истеъмолчининг эътиборини каратади.

а) таъминотчининг бозордаги стратегияси ва мавқеига.

Агар таъминотчи бозорда мутаъдил, ижобий мавқеига эга бўлса, ёки шундай мавқеига эга булишга харакат килаетган булса, истеъмолчи таъминотчининг таклифларини юкори бахолайди.

б) Таъминотчининг молиявий фаолиятидаги стратегияси ва мавкеи.

Агар таъминотчи молиявий сохада юкори мавкеига эга булса еки шундай мавкеига эришишга харакат килаетган булса, истеъмолчи таъминотчининг таклифларини юкори бахолайди.

в) Истеъмолчининг мехнат ресурслари сохасидаги стратегияси ва мавкеи.

Агар таъминотчи мутаъдил уз ишчи хизматчиларини малакасини ошириш стратегиясини амалга ошираетган булса, истеъмолчи таъминотчининг таклифларини юкори бахолайди.

Бу кушимча омиллар таъминотчи ташкилотларини бошкариш системаси учун ягона ташкилот сифатида жуда мухимдир.

<u>Сифат системаси ва унинг ташкилотлар жараенлари сохаси билан боҚликлиги.</u>

ИСО 9000 сериясидаги халкаро стандартлар хар кандай иш жараенлар ердамида бажарилишига асосланганлир. Хар бир жараен бошлангич кириш омилларига эга булади. Хар кандай жараенда кушимча киймат яратилиши билан, чикиш омиллари - яъни якуний натижаларга эришилади.

Хар бир жараенда маълум микдорда мехнат ресурслари еки бошка ресурслар хам иштирок этадилар. Эришилган натижа масалан, хисоб-фактура, компьютер дастури еки банк хизмати еки ишлаб чикарилган махсулот булиши мумкин.

Сифатни административ бошкариш корхонада жараенларни бошкариш ердамида амалга оширилади.

Жараенларни бошкариш икки хил куринишга эга:

1. Махсулот ва маълумотлар чегарасида жараеннинг структурасини ва фаолиятини бошкариш.
2. Структура ичидаги жойлашган махсулотлар ва маълумотлар сифатини бошкариш.

Хар бир ташкилот кушимча киймат яратиш максадида уз иш фаолиятини олиб боради. Иш фаолияти кузланган максадга етишга каратилган холда амалга оширилади.

Таъсис этишда жуда куп операциялар амалга оширилади. Буларга ташкил этиш, лойихалаштириш, технологик жараенларни бошкариш, маркетинг, укитиш, ургатиш, мехнат ресурсларини бошкариш, стратегик режалаштириш, таъминлаш, хисоб счетларини куйиш, техник хизмат курсатиш каби жараенлар киради.

Купчлик ташкилотларнинг мураккаб струкрурага эга булиши назарда тутилса, асосий жараенларни ажратиш, уларни содалаштириш, шунинг дек сифатни административ бошкаришга боглик холда жараенларни бошкариш мухим ахамиятга эгадир.

Хар бир ташкилот уз жараенлари сохасини - аниклаб олиши ва уни бошкаришни йулга куйиши лозим. Ташкилот жараенлар сохаси оркали уз махсулотининг доимий сифати даражасини таъминлайди, уни такомиллаштиради. Бу эса ИСО 9000 сериясидаги стандартларнинг асоси хисобланади. Жараенлар мунтазам равишда тахлил килиниши ва такомиллаштирилиб борилиши лозим.

Сифат системасини бир катор элементларидан ташкил топган деб караш мумкин. Сифат системаси функциялар рамкасида амалга ошувчи жараенлар оркали иш олиб боради. Сифат системаси самарали булиши учун бу жараенлар ва улар билан боглик булган мажбуриятлар, ишлар маълум кетма-кетлигда амалга оширилиши лозим.

**Назорат саволлари :**

1. Сифатни таъминлашда ташкилотларни мажбуриятларига нималар киради?
2. Сифат системасига хамда махсулотга нисбатан куйилган шартлар орасидаги фарк нимадан иборат?
3. Махсулот сифатини асосий аспектлари нималардан иборат?
4. Таъминотчи ташкилотни бошкариш системасининг асосий омиллари нималар?
5. Сифат системаси ва унинг ташкилотлар жараенлари сохаси билан кандай богликлиги бор?

## 14-Мавзу: “Ракобатбардошлик ва сифатни узлуксиз яхшилаш”

**Режа:**

1. **Сифат буйича корхоналарнинг сиесати. Сифат буйича корхоналар сиесатини амалга оширишнинг мазмуни, асосий вазифалари.**
2. **Сифат системасини яратиш ва жорий этишда бошкарувнинг мажбуриятлари ва вазифалари**
3. **Махсулот сифатини оширининг максадга йуналтирилган илмий техникавий дастури**

ИСО 9000 сериясидаги халкаро стандартда курсатиб утилганидек “Юкори бошкарув звеноси махсулот сифати буйича сиесат юргизишнинг мажбуриятини хам уз буйнига олади”.

Сифатни административ бошкариш уз ичига бошкаришнинг барча фукнцияларини олади, яъни сифатни режалаштириш, сифатни бошкариш, сифат системаси доирасида махсулот сифатини таъминлаш ва яхшилаш.

Ташкилот рагбарияти махсулот сифати буйича сиесатни хужаллаштриб, куйидагиларни аниклайдилар:

- ишлаб чикарилган махсулотнинг сифатининг даражаси;
- сифатни таъминлаш буйича ишларни ташкил этиш;
- сифат сохасида максадга эришиш йулларини танлаш;
- корхона ва ташкилотларда сифат сиесатини амалга оширишда жавобгар шахсларни малакасини ошириш.

Корхона рагбарияти махсулот сифатини яхшилаш сиесатининг тушунарли булишини, хаетга татбик этилишини, хужжатлаштирилган булишини таъминлаши зарур.

Сифат сохасида умумий сиесатни ишлаб чиканда рагбарият асосий максад, вазифаларни, яъни ишлатилиш максадларига мос келиши, эксплуатацион характеристика тавсифи, хавфсизлиги, ишончлилиги каби курсаткичларига жавоб бериши лозимлигини аниклаши зарур.

Сифат сохасида сиесатни амалга ошириш биринчи уринда амалга оширилиши зарур булган масалаларни аниклашнинг такозо этади.

Уларга куйидагилар киради:

- Истеъмолчи ва буюртмачиларнинг махсулот сифатига нисбатан талабларини доимий равишда каноатлантириш;
- Социал эхтиежларни хисобга олиш ва ташки мухитни химоя килишнинг зарурияти;
- Махсулотни истеъмол килингандаги еки хизмат курсатилгандаги самарадорлик;

Рахбарият сифат сохасидаги 1 ламчи вазифаларни узгартириб, шакиллантириб бориши зарур. Бунга мисол килиб куйидагиларни келтириш мумкин:

*Сифатни умумий бошкаришнинг асосий йуналишлари*

- сифат сохасида сиесатнинг шаклланиши;
- корхонада сифат системасини ишлаб чикишни ташкил этиш;
- сифат масалалари буйича хал этувчи кучга эга булиши ва жавобгар булишнинг узаро алокадорлигини аниклаш;
- сифат системасининг самарали фаолият олиб бориши учун зарур ресурсларининг ажратилиши;
- сифат дастурини ишлаб чикишни ташкил этиш;
- корхона персоналини укитишни ташкил этиш;
- махсулот сифатини таъминлаш усуллари;
- сифат системаси фаолиятинининг самарадорлигининг тахлили;
- сифат системасини такомиллаштиришни ташкил этиш;
- корхона булинмаларини фаолиятига боглик булмаган ишлаб чикариш махсулот сифатининг бахолаш.

*Корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати асосий масалалари:*

- махсулот сифатини ошириш йулм корхонанинг иктисодий холатини яхшилаш;
- махсулотнинг реал килишда янги бозорнинг эгаллаш, учун кенгайтиришни махсулот сифатининг яхшилаш орқали амалга ошириш;

- махсулотнинг техникавий даражасининг етакчи корхона ва фирмаларнинг даражасига етказиш;
- демографик гурухлар ва регионлар истеъмолчиларни талабларини каноатлантиришга йуналтириш;
-Янги махсулот турларини узлаштириш;
- махсулот сифатига кафолот муддатини узайтириш.

*Корхоналарда махсулотнинг дефектлилик даражасини кискартиришга каратилган ишларнинг бирламчи масалаларининг тавсифи.*

- Дефектлар, уларнинг келиб чикиш манбалари тугрисидаги маълумотларни туплаш ва тахлил килиш сиесатини ташкил этиш;
- Дефектлиликнинг хакикий даражасини аниклаш ва тахлил килиш;
- Дефект ва брак махсулотлар ишлаб чикарилгандан курилган зараларнинг хисобот хужжатларини ишлаб чикиш;
- Дефектлиликнинг пасайтиришнинг иктисодий статистик усулларини ишлаб чикиш;
- конструкторлик ва технологик хужжатларни ишлаб чикишни реал имкониятларига жавоб бериш даражасини кайта куриб чикиш;
- корхона территорияси чегарасида дефектлилик даражасини пасайтиришнинг марказлашган дастурини ишлаб чикиш;
- сифатни бошкаришнинг статистик методларини кенг жорий этиш.

**Назорат саволлари :**

1. Сифат системасини яратиш ва жорий этишни бошкаришнинг асосий вазифалари.
2. Сифат буйича корхонанинг сиесати.
3. Сифатни умумий бошкаришни асосий йуналишлари нималардан иборат?
4. Корхонанинг сифат сохасидаги сиесатининг асосий масалалари нималардан иборат?
5. Корхонада махсулотнинг дефектлилиги даражасини кискартиришга каратилган ишларни бирламчи масалаларининг тавсифи нимадан иборат?

## 15-Мавзу: “Узбекистон Республикаси давлат стандартлаш системаси”.

**Режа:**

**1. Узбекистон Республикаси Давлат стандартлаш системаси.**
**2. Стандартлаштириш органлари ва хизматлари.**
**3. Халкаро стандартларнинг кулланилиши.**

РСТ 5.5. - 92. Стандартга асосан лабораториянинг техник жихатдан мувофиклиги, ишлаб чикаришдаги ва истеъмолчиларга боҚлик эмаслиги яъни мустакиллигини тасдиклаш.

Лабораториянинг маълум турдаги махсулотларини синовдан утишдаги ёки аник синовларни тегишли стандартлар ёки бошка меъёрий хужжат талабларига мувофик амалга ошира олишни тан олиш демакдир. Лабораторияни аккредитлашдаги тармокнинг тери ва мулкнинг макомига боҚлик эмас. Факат техникавий лаёкати буйича аккредитланган лабораториялар сертификатлашли ташкилотининг бир турли махсулотларини сертификатлаш учун синовлардан утишга рухсат этилади. Синов лабораторияларини аккредитлаш ва текширув назоратлар учун харажатлар лицензион келишув асосида суровчи томонидан кондирилади.

## Лабораторияни аккредитлаш мезони.

Аккредитлашга давогар синов лабораторияси махсулотни синашга суровчи томонга боглик эмаслиги, аник ва хукукий ташкилий томонга хамда утган синовларни ишончлигини таъминловчи сифат системасига эга булиши керак.

Лабораториянинг техник лаёкати таъминлаш учун унинг рахбари маъсулдир. Аккредитланган лаборатория юридик шахс булмаган холда корхона ёки ташкилотнинг таркибий кисми булиб хизмат килади.

Атроф-мухит ва лаборатория хоналари, синов натижалари ва уларнинг аниклигига салбий таъсир этиши, хаётий хавфсизликни таъминлайдиган жихозлар билан жихозланган булиши лозим.

Синов лабораторияси тегишли соха буйича улчамлари аниклиги, гигеналигини таъминлайдиган меъёрий хужжатларда талаб этилган. Махсулотнинг барча сифат курсаткичлари меъёрий хужжатларда талаб этилган. Махсулотнинг барча сифат курсаткичлари ишлаб чикаришни аниклашда етарлича жихозланган улардан фойдали коидалари аник белгиланган булиши керак. Жихозларнинг хар бири текширув назорати, аттестациядан утиши керак.

Лаборатория жихозлари ишчи холатда муддатдан аввал ишдан чикмаслик чоралари кузда тутилиши керак. Насос ёки натижаларида шубхали хатоликларга йул куйишга тахмин килинган синов жихатлари фойдаланишдан чикарилиб, тегишли формада уз функция бажаришга сизлиги хакида белги куйилади. Хар бир синов жихозлари ва улчов воситалари руйхатдан утказилади. Руйхатда жихознинг тури, номи, ишлаб чикарган корхонанинг номи, чикарилган вакти ва кабул килинган хамда фойдаланишга бошланган муддат, сотиб олинган холати, текширилиши ва ростлаш тўҚрисида маълумотлар курсатилади.

Аккредитланган синов лабораториясида синовларнинг услубига оид техник шароитлар, синов утайдиган махсулотлар учун стандартлар синов жихозларини нормал холатда саклашга оид ахборотларни саклаш системасини белгиловчи хужжатлар булиши лозим. Синов лабораторияси лабораторянинг фаолиятига ва бажарилган ишнинг хажмига мувофик сифатни таъминловчи системасига эга булиши керак. Бу система хужжатлари ва фаолияти ИСО лар МЕК №49 талабларига намуналарнинг тўҚри расмийлаштирилганлиги лозим булганда бу намуналар махсус шароитда саклаш ва назорат килиб туриш, синовлардан кейин кайта топшириш механизм ишлаб чикарилган булиши керак. Тажрибалар натижаларини кайд килиш ва шунга таълукли хужжатларни саклашга алохида эътибор берилади. Саклаш муддати белгиланади. Аккредитланган синов лабораториясининг вазифалари ва хукуклари УзРСТ 5.3. - 92 да келтирилган.

**Кредитланган синов лабораторияси:**

- реклама материаллари ва бошка хужжатлар система изнидд аккредитланганлигини куриш;
- сертификатланаётган махсулотни текширув назоратидан утиши;
- сертификатлаш ташкилотлари билан биргаликда сифат системасини ёки ишлаб чиқаришни сертификациядан утгунча иштирок этиш хукукига эга;
- лаборатория синов натижаларининг ишончлигига, объективлигига ва тегишли аникликда эканлигини таъминлашда лабораторияда ва синовлар давомида хавфсизликни таъминлашга жавобгардир ва Уздавлат куйган талабларга жавоб бериш керак.

Синов лабораторияларини аккредитлаш тартиби.

Синов лабораторияларини аккредитлаш билан боҚлик булган йуналтириш ишларини Уздавстандарт олиб боради.

**Аккредитлаш тартиби сертификатлаш ташкилотларини аккредитлаш шартларига мос келади ва улар куйидаги тартибдан иборат:**

-аккредитлаш давогар лаьораторияни арендасини тахлил этиш ва куриб чикиш;
- аккредитлангани учун такдим этилган хужжатларни экспертизадан утиш;
-аккредитланган лабораторияни аккредитлаш муддатини аниклаш буйича текширув комиссиясини тайинлаш;
- синов лабораториясини аттестациядан утказиш;
- лабораторияни аккредитлаш буйича карор кабул килиш;
- аккредитлашган аттестацияни тайинлаш, руйхатдан утказиш ва такдим этиш.

**Давогар лаборатория Уздавстандартига белгиланган даражада тулдирилган расмий ариза ва унга куйидагиларни илова килади:**

-мазкур сохада лабораторияларини аккредитлаш низоми;
-лаборатория паспортини;
- белгиланган даражада тулдирилган суровномалар.

Хужжатларни Уздавстандарт ёки унинг топширишига кура, метрология хизматида экспертиза килинади ва хисобий карорга келинса, комиссия тузилиб, аккредитлаштириш ишларининг муддатлари белгиланади.

Комиссиянинг таркибини Уздавстандарт рахбари томонидан тасдикланади. Комиссия барча хужжатларни урганиб, лабораторияни текшириб, махсус сохада аккредитлаш талабларига мос келиши ёки келмаслиги тўҚрисида далолатнома тузади. Синов лабораториясини аккредитлаш аттестатини бериш ишини сертификатлаш миллий ташкилоти куриб чикади.

Аккредитлаш муддатига тугашига 6 ой колганда, кайта аккредитлашга расмий ариза топширилади, мазкур лабораториянинг Уздавстандартининг узаро муносабатларига мос равишда кайтадан аккредитлаш ёки аттестат муддати узайтирилиши лозим.

Аккредитланган лаборатория фаолиятини текширувчи назорати.

Аккредитланган лабораториянинг аккредитлаш муддатида текширувчи назоратини сертификатлаш ташкилоти ташкил этади. Керак булган холларда бошка муттасадди ташкилотларни жалб килиш мумкин.

Лаборатория фаолиятини текширувчи назорат куйидагича булиши мумкин. Аккредитланган лабораторияда аккредитланган ташкилот ва вакилларини доимий иштирок этиши синов лабораторияси томонидан аккредитланаётган ташкилотга утган тажрибаларнинг синовлар сифатини яхшилиги борасида ички назорати, мижозлар томонидан билдирилаётган реклама ва шикоятларни куриши лозим.

Метрология тўҚрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни.

Јонуни 1993 йил28 декабрда кабул килинган 5 та булим, 21 та моддадан иборат.

**1-модда.** Метрология-улчовлар, уларнинг ягона бирликда булишини таъминлаш усуллари ва воситалари, хамда талаб килинган аникликларга эришиш йулидаги фан.

**Ягона улчов бирлиги-** улчовларнинг намуналари қонунлаштирилган бирликларда акс этирилган ва хатоликлари берилган эхтимолликка маълум булган улчов холати.

**Бирлик эталон** - физик улчам бирлигини бошка улчов воситаларига утказиш максадида кайта хосил килиш ва саклаш учун
мулжалланган улчов воситаси.

**Давлат эталони** - ваколат берилган миллий органинг карори билан Ўзбекистон Республикаси худудига эътироф этилган эталон.

**Метрология** - хизмати давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоги хамда уларнинг улчовлари ягона бирликда булишини таъминлаш аккаратилган фаолияти.

**Давлат метрология назорати** - метрология коидаларига риоя этилишини текшириш максадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият.

**Улчов воситаларини калибрлаш** - метрологик жихатларининг хакикий кийматларини ва улчов бирикларини куллашга яроклилигини аниклаш хамда тасдиклаш макасадида калибрлаш лабораторияси томонидан бажариладиган агрегация. Улчо воситаларини тайёрлаш учун лицензия (таъмирлаш, сотиш, ижара бериш) - давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга берадиган мазкур фаолият турлари билан шугулланувчи хизмат.

**Уздавстандарт ваколатига қуйидагилар киради:**

-метрология (хизмати) ойил фаолиятини минтакалараро ва тармоклараро;

- физик улчам бирлиги эталонларини яратиш, тасдиклаш, саклаш ва куллаш коидаларини белгилаш;
- улчов воситалари, усуллари ва натижалари куйиладиган уммлашган метрологик иалабларни аниклаш;
- давлат метрология текширув ва назоратни амалга ошириш;
- метрология сохасида илмий ва мухандис техник ходимлар тайёрлаш;
- метрология масалалари буйича халкаро ташкилотлар фаолиятига катнашиш.

**Давлат метрология текширув ва назорати.**

-согликни саклаш;

-ветеринария;

-атроф-мухитни мухофаза килиш;

-моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини хисобига олиш;

- савдо, тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини утказиш;

-захарли енгил алангаланувчи, портловчи ва радиактив моддаларни саклаш, ташиш, хамда йук килиб ташлаш;

- давлат мухофазасини таъминлаш, мухит хавфсизлилигини ва транспорт характи хавфсизлигини таъминлаш;
- сертификацияланадиган махсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниклаш;
- гиофизик ва гидрометрологик ишлар, улчов воситаларини давлат синовидан,текширувдан, колибрлашдан таъмирлаш метрологик аттестациядан утиш;
- фойдали казилмалар казиб олиш;
- миллий ва халкаро спорт рекордларини руйхатга олишга нисбатдан тахдид этилади.

### Назорат саволлари :

1. Стандартлашнинг асосий максади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Стандартларни объектлари ва турлари?
3. Синов лабораториянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Давлат метрология назоратининг моҳияти нимадан иборат?
5. Уздавстандарт ваколатига нималар киради?

## 16-Мавзу: “Махсулот сифатини яхшилашни иқтисодий ва маънавий рақбатлантириш”

### Режа:

**1. Махсулот сифати курсаткичларининг классификацион белгиларига кўра гурухланиши.**
**2. Махсулот сифатини яхшилашда уларнинг социал, функционал, ишончлилик, эргонометрик, эстетик каби кўрсаткичларини аниклашнинг ахамияти.**
**3. Махсулот сифатини яхшилашни иктисодий ва маънавий рақбатлантириш.**

Халқ истеъмоли товарлари улгуржи ва чакана савдога келиб йўриши жараёнида албатта унинг сифати баҳоланади.

Хозирги кунда махсулот сифатини бахолаш ва назорат килиш ун турли сифат курсаткичларини ва унинг бахолаш услубларини кулланилади.

ИСО-9000 кура махсулот сифати курсаткичини махсулотнинг 1 еки 1 неча хусусиятларини микдорий характеристикаси булиб, унинг яратилиш, эксплуатация килиш еки истеъмол килиш вактидаги сифатиниг ифойдалайди.

Махсулот сифати курсаткичлари сифат бахолаш масаларининг хал этилиш характерига боглик холдо-турли белгиларига караб классификация килиниши мумкин. (табл.)

Савдода халк истеъмоли товарларининг сифати назорат килиш сифатининг функционал, ишончилик, эргономик, стетик, экологик, хавфсизлилик каби истеъмол курсаткичларининг урганиш заруриятии келтириб чикаради.

### Махсулотини кўрсаткичларининг турли классификация белгиларига караб гурухларга ажратиш

**Таблица№**

| Классиф. Белгилари | Махсулот сифати курсаткичларининг гурухлари |
|---|---|
| Характерловчи хусусиятларига кура | Узок вакт таъмирланмаслиги<br>Уз ташки куринишининг саклаш холда ишларининг белгиловчи ишончилик курсаткичлари<br>Эргонометрик курсаткичлари<br>Эстетик курсаткичлари<br>Технологик курсаткичлари<br>Транспортабеллик курсаткичлари<br>Хукукий патент курсаткичлари<br>Экологик курсаткичлари<br>Хавфсизлик курсаткичлари |
| Ифодаланиш услубига кура | Натурал 1 ликларда ифодаланг курсаткичлари<br>Киймат 1ликларида ифодаланг курсаткичлари |
| Харктерловчи хусусиятлашнинг сонига кура | Якка курсаткичлари<br>Комплекс курсаткичлари |
| Бахолашда кулланишига кура | База курсаткичлари<br>Нисбий курсаткичлари |
| Курсаткичларини аникланиш боскичига кура | Башорат этиладиган курсаткичлари<br>Лойиҳа курсаткичлари<br>Ишлаб чикариш курсаткичлари<br>Эксплуатация курсаткичлари |

Зарурият туҚилиса товарларини сифатини бахолаш ва тахлили килиш истеъмолчиларнинг талабларнинг хам хисобга олган холда амалга оширилади. Социал курсаткичлари махсус курсаткичлари гурухга киради. Товарнинг сифат курсаткичлари ва истеъмол хусусиятларига кура куйидагича классификацияланади.

| Курсаткичлар гурухлари | Курсаткичлари |
|---|---|
| Социал мохияти | Товарларнинг ишлаб чикариши ижтимоий зарурияти, товарнинг оптимал ассортиментига мос келиши, маънавий эскириши |
| Функционал | Асосий фукциясининг бажаришини такомилланиши кулланишга универсаллиги ердамчи операциялар бажаришга такомилланиши. |
| Ишончилик | Узок муддат таъмирланмаслиги ишга ярокли холда, уз ташки куринишини йукотмаслиги туриши |
| Эргонометрик | Гигиеник, антропометрик физиологик,<br>Психофизиологик ва психологик |
| Эстетик | Кузга ташланувчанлик,ташки тузилишининг рационал булиши. Ишлаб чикаришни бажарилишининг мукаммал булиши, товар куринишининг стабиллиги |

| | |
|---|---|
| Экологик | Ташки мухитини ифлослантирадиган зарарди чикиндилар булиши |
| Истеъмолнинг хавфсизлиги | Химоя мосламани ишлаб чикаришини Кулланилишига самарадорлиги |

***I.Социал курсаткичлари***

Ушбу курсаткичлари махсулотининг ижтимоий-зарурий эхтиежларга жавоб бера олиши ва унинг турни гурух истеъмолчилари ун ижтимоий ахамиятининг характерлайди.

Бу курсаткичларига товарлар ишлаб чикарищшни ижтимоий зарурияти, товарнинг оптимал ассортимнтга мос келиши, маънавий эскириш ва бошка социал самаралар киради.

**Товар ишлаб чикариш ижтимоий зарурияти**

Курсаткичи мана шу товарга нисбатан ахолининг кондирилмани талаблари талаби хажмининг заруйирлигини ифодалайди. Товарга нисбатан қондирилмаган таланинг заруйлик даражаси ахолининг мана шу товарларга истеъмолни рационал нормасига нисбатан таъминланганлик даражаси билан харктерланади.

**Товарнинг социал адроси ва истеъмол натижаси**

Курсаткичи махсулотининг истеъмолчини узига хос хусусиятларини хисобга олган холда махсус гурух истеъмолчиларини талабларига жавоб бера олишига характерлайди. Товарнинг махсус гурух истеъмолчиларини талабларининг кондиришга истеъмолчиларини талабларнинг кондиришга караб учун истеъмол типажи белгиланади. Масалан оек кийимлар типажи боҚча ешидаги, богча ешдаги, мактаб ешдагилар, киз болалар, угил болалар, аел еки эркаклар оек киймларига булинади.

**Товарнинг оптимал ассортименга мос келиши**

Курсаткичи унинг мана шу тур махсулотлари ассортименти системасида фойдаланилиши ишларни самарадорлигини характерлайди.

**Маънавий эскириш курсаткичи** мода йуналишлари узгариши, мавсумни узгариши еки янги сифатли махсулотни яратилиши билан махсулотни маънавий эскиришининг курсатади.

**Ендош социал эффектлар курсаткичлари** Мазкур гурух товарларини оммовий ишлаб чикариш харидорларнинг товарлари харид килишларига таъсирини характерловчи курсаткичларга айтилади. Масалан, мазкур гурух товарларини ишлаб чикаришганда, ьошка ендош гурух товарларига нисбатан булиб талаб кескин узгариши мумкин. Кийимларига модаларининг узгариши, кийиниши стилинг узгариши бош киймларга нисбатан булиб талаб узгартириш мумкин.

***II. Функционал курсаткичлари***

**Мехнатнинг сифатини функционал курсаткичлари** учун фойдланиш максадларига мос келиши,унинг моддий, маънавий-эхтиёжлари кондира олиш даражасини харктерлайди. Бу курсатичлари асосий фукциялари бажарилишини такомиллаштириш курсаткичи универсанлик курсаткичлари, универсанлик

курсаткичлари ва ердамчи операциялари бажаришни такомиллаштириш курсаткичларига булинади.

**Асосий фаолиятини бажаришни такомиллаштириш курсаткичлари** истеъмолчини фойдали самарасини, махсулотниистеъмолчилари томонини фойдаланиладиган маълум эхтиежини кондириш даражасини курсатади.

**Универсал курсаткичи** махсулотнинг уз урнига караб ишлатилиш билан бир каторда, кишилар учун фойдали бошка максадларга ишлатилиши мумкинлигини курсатади.

**Ердамчи фаолият бажариши - такомилаштириш курсаткичи** махсулотни “инсон-махсулот-ташки мухит”системасида асосий ва ердамчи фаолиятлари бажаришга ендош боскичларида: транспортировка, урнатиш, таъмирлаш, хизмат курсатиш, саклаш ва бошка боскичларида махсулотни узига хос хусусиятлари курсатади.

Ердамчи операциялар бажарилишни такомиллаштириш учун асосий фаолиятининг бажаришларини такомиллаштиришига таъсир курсатади ва истеъмолчининг “узлуксиз” вакт сарфлари аниклаш имконияни беради.

**Ишончилик курсаткичи**

Махсулотнинг истеъмол еки эксплуатация вактида ярокли холда булишининг курсатади. Бунга тухтамаслик ишлаши узокда чидамлиги, таъмирланувчанлик, сакланувчанлик каби курсаткичлари киради.

**Тухтамаслик ишлаш курсаткичи** узининг маълум вакт давомида тухтатмаслик ишлаши мумкинлигини курсатади.

**Узокда чидамлилик курсаткичи** хизмат курсатиш муддати давомида узлуксиз ишлаши мумкинлигини курсатади.

**Таъмирланувчанлик курсаткичи**.

Махсулотнинг реализация килиш жараенида баъзи майда камчилигини курсатади.

Сакланувчанлик курсаткичи махсулотни саклаш ва транспортировка килиш жараенида ва уни кейин хам узини истеъмол кийматини саклаш хусусияти тушунилади.

**Эргонометрик курсаткичлари**

Эргонометрик курсаткичлари “инсон-махсулот” системасини характерлаб, инсониятлар экологик, физиологик, антропометрик, гигиеник хусусиятларини хисобга олади.

Гигиеник курсаткичлари махсулотни кишиларига мехнат ва хаетий фаолиятинин гигиеник шартларига мос келишини курсатади. Бу гурух курсатичлари киради.

антропонометрик курсаткичлари конструкцияси уни фойдаланилаетган вакта кишилар танасини, формасига, тузилишиа мос келишини курсатади.

**Эстетик курсаткичлари**.

Эстетик курсаткичларига ажралиб турувчанлик, ташки куринишга рационал булиши, композициясини тулик булиши, махсулотни ишлаб чикаришни бажаришни мукаммал булиши товар куринишларига стабил булиши каби курсткичлари киради. Ажралиб турувчанлик махсулот нисбатан жамиятда шаклланиш эстетик дуне

карашларига акс эттиради. Бу курсатки махсулотни бошка аналогик махсулотни ажралиб туришини, давр талабига, замон талабларига, мода йуналишларига жавоб бериши даражаси курсатади.

**Ташки куриниши рационал** булиши махсулотни функционал - конструктив мохиятини тугри ифодаланишининг, мохиятининг тайерлаш ва эксплуатация килишга объектив шароитларига мос келишини характерлайди. Ушбу курсаткич мохсулот ташки куринишига учун ишлатилиш максдларига, конструктив ечилишига, тайерлаш технологияси ва кулланиладиган материалларни узига хос хусусиятларига мос келишини курсатади.

**Композициясини тулидлиги** махсулот кисмларни органик боглидлигини, унинг бошка махсулотни ансамблига хам мос келиши курсатади. Ушбу курсаткичлари махсулоти моделлаштиришда, турли ранглари узаро алокада куллашда, конструкциялаш ишларни бадий тасвирлашда, тулик композициямон ечимга эришишда хунар-бадий воситаси фойдаланиш самарадорлигини курсатади.

Махсулотни ишлаб чикариш мукаммал булиши ва товар куриниши стабил булиши махсулотнинг эстетик жихат ташки куринишга таъсир курсатади ва унинг ишлаб чикаришда ташки куринишини мукаммал булиши, фирма белгиларини аник булиши, информацион материал ва хужжатларни тулик булиши ва махсулот ташки куринишига зарар етмаслиги ун уни ураш-жойлаш ишларини яхши йулга куйишига даражаси курсатади.

**Назорат саволлари :**

1. Махсулот сифати курсаткичлари кандай белгиларга кура гурухланади?
1. Махсулот сифатини яхшилашда функционал курсаткичларни ўрни?
2. Махсулот сифатини яхшилашда эстетик курсаткичлар кандай урин тутади?
4. Махсулот сифатини яхшилашда социал курсаткичлар ва ишончлилик курсаткичларининг ахамияти нимадан иборат?
5. Махсулот сифатини яхшилашда моддий ва маънавий рагбатлантиришнинг ахамияти нимадан иборат?

**АДАБИЁТЛАР :**

***Асосий :***


1. ИСО 9000. Халкаро стандартлар. Махсулот сифатини бошкариш. ИСО 9000 сериясидаги стандартлар. 1-2 том – Тошкент, Мехнат, 1996
2. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификациялаш системаси. Сифат системалари ва ишлаб чикаришни сертификациялаш. Асосий холатлар: РД.УЗ 51-025-94
3. ИСО 8402:94 (т) Сифат. Лугат-ИСО 9000 туплами. Халкаро стандартлар. Махсулот сифатини бошкариш. Стандартлар серияли 1-том, -Тошкент Мехнат, 1996
4. Ишлаб чикаришни бошкариш:Операцион системани ташкил килиш – Менежмент ас ослари. М.Х. Мексон, М.Альберт, Ф. Хефури. Ингл. тилидан таржима М., Лугат – М.Дело 1992
5. Махсулот сифатини бошкариш Лугат – М: Стандартлар нашриети 1985 – 464 стр.


***Кушимча адабиётлар:***

6. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификациялаш системаси. Сифат системалари ва ишлаб чикаришни сертификациялаш. РД Уз 51-025-94
7. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификация- лаш системаси. Сертификациялаш. Асосий холатлар: РД Уз 51-025-94.
8. Ўзбекистон Республикаси миллмй сертификациялаш системаси. Сертификациялаш схемаларини танлаш. РД Уз 51-015-93
9. ИСО 10011-1-90 Сифат системалари. Текширувлар буйича бошкарув тизимлари. 1 кисм Текширув-ИСО 9000 туплами. Халкаро стандартлар. Махсулот сифатини бошкариш. ИСО9000 сериясидаги стандартлар. 2 том, Тошкент, Мехнат, 1996 й.
10. СО 1001-2-91 Сифат системалари. Сифат системалари-ни текшириш буйича бошкарув тизимлари. 2-Булим. Инспекторлар учун классификацияловчи критерийлар- ИСО9000 туплами, 2 том, Тошкент, 1996 й.

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ**
**Фанидан**
**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Компьютерда саҳифаловчи: Норматова Р. А.**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**”МЕНЕЖМЕНТ” кафедрасининг мудири**
**________________доц. Авазов Э. Х.**
**«___» ___________________ 2004 йил**

# « СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТНИ БОШҚАРИШ»

## фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот соатлари ҳажмининг тақсимоти.

| № | Мавзуларнинг номи | 5340200 “менежмент”, бакалавриат йўналишларида | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами соатлар | Маъруза | Амалий машғулотлар | Мустақил таълим |
| 1 | Кириш. Бозор ва махсулот сифати | 4 | 4 | - | |
| 2 | Маркетинг ва махсулот сифати | 4 | 2 | 2 | |
| 3 | Маркетинг ишлаб чикаришни автоматлаштириш ва унинг мослашувчанлиги | 4 | 2 | 2 | |
| 4 | Махсулот сифатининг курсаткичлари | 4 | 2 | 2 | |
| 5 | Махсулот сифатини бошкариш асослари | 4 | 2 | 2 | |
| 6 | Сифатни бошкариш тизимлари | 2 | 2 | - | |
| 7 | Сифатнир бошкаришнинг статистик усуллари | 4 | 2 | 2 | |
| 8 | Андоза (стандарт)лаштиришнинг илмий асослари | 2 | 2 | - | |
| 9 | Андозалаштиришнинг махзсулот сифатини бошкаришдаги роли | 4 | 2 | 2 | |
| 10 | Андозалаштириш дастурлари самарадорлигини аниклаш | 4 | 2 | 2 | |
| 11 | Сертификатлаштириш – махсулот сифатини кафолатлаш | 2 | 2 | - | |
| 12 | Сертификатлаштириш тизимларининг турлари | 4 | 2 | 2 | |
| 13 | Сертификатлаштириш ва халкаро савдо | 4 | 2 | 2 | |
| 14 | Миллий сертификатлаштириш тизимлари | 4 | 2 | 2 | |
| 15 | Ривожланаётган мамлакатларда сертификатлаштириш | 4 | 2 | 2 | 2 |
| 16 | Узбекистондаги синов марказлари | 2 | 2 | - | |
| | **Жами** | 58 | 34 | 22 | 2 |